Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan ● E-mail: info@marifat.uz ● 2017-yil 12-avgust, shanba № 64 (9025)




## МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ҚАДАМ

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев 11 август куни Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрига ташриф буюрди.***

Давлатимиз раҳбари “Олмалиқ кон-металлургия комбинати ривожланишининг иккинчи босқичи” лойиҳаси бўйича ишлар бошланишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати мамлакатимизнинг рангли ва қимматбаҳо металлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналаридан ҳисобланади. Мазкур инвестициявий лойиҳа икки босқичда амалга оширилади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш асосий устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

**(Давоми 2-бетда.)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИДА МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жами 15359 та таълим муассасаси, жумладан, 4893 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 23 та Меҳрибонлик уйи, 304 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 211 та “Баркамол авлод” маркази, 227 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини ва билим юртларини битирган 97 564 нафар педагог кадрлар фаолият юритмоқда.

Мазкур таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, мусиқа, тасвирий санъат, чет тиллари, меҳнат таълими, жисмоний тарбия йўналишлари ва бошқа фанлар бўйича олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш орқали таълим сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

**(Давоми 4-бетда.)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ ЖАМОАТ ВА СПОРТ ИШЛАРИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ТРЕНЕРЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатларида юксак натижаларга эришган, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчилар ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш, халқаро спорт алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жаҳонда Ўзбекистоннинг обрўсини янада юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялар (уюшмалар) билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларини жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришга фаол кўмаклашиш, жамоат ва спорт ишларига босқичма-босқич жалб этишга доир “Катта спортдан кейинги фаолият” ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**(Давоми 7-бетда.)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## МАТБУОТ ВА АХБОРОТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаа фаолиятини ривожлантириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида 10 дан зиёд қонун ва 150 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Бугунги кунда юртимизда 1991 йилга нисбатан оммавий ахборот воситалари қарийб 4 мартага, нашриётлар 13 карра ва матбаа корхоналари 12 баробарга кўпайиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти сезиларли даражада яхшиланди.

Айни вақтда оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш, бу тармоқда миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, мамлакатимиз миллий медиа майдонида соғлом рақобат муҳити, замонавий ахборот хизматлари бозорини шакллантириш, жойларда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, матбуот ва ахборот соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва соҳага оид масалаларни ҳал этиш ваколати берилган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ўзига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга оширмаётгани боис бозор муносабатлари шароитида оммавий ахборот воситаларига услубий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишини принципиал жиҳатдан кузатиш, баҳолаш, таҳлил қилиб бориш, зарур ҳолларда қўллаб-қувватлаш ёки иқтисодий, ҳуқуқий чораларни қўллаш каби амалий механизмларнинг таъсири деярли сезилмаяпти.

Бунинг оқибатида оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар томонидан ўзининг низом талабларига тўғри келмайдиган, миллий қадриятларимизга зид, ғоявий ҳамда матбаа сифати паст маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

**(Давоми 2-бетда.)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, фуқароларимизнинг ахборот олиш, ўз фикрини эркин ифода этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда, ҳозирги шиддатли ахборот замонида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга тегишли ижодий-услубий ёрдам ва кўмак бериш, журналистларнинг профессионал малакасини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор долзарб муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

**(Давоми 8-бетда.)**

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

# МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ЮКСАЛИШИДА МУҲИМ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жорий йилнинг март ойида Президентимиз томонидан Олмалиқ кон-металлургия комбинатини 2030 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури тасдиқланди. Дастур доирасида мис ишлаб чиқаришни 1,4 баробар, қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни 33 фоизга ошириш белгиланган.

Лойиҳани ўзлаштириш жараёнида битта темир йўлни янги жойга ўтказиш, иккита янги темир йўл қуриш, автомобиль йўллари барпо этиш кўзда тутилган. Узунлиги 1,4 километрлик туннель ва 3,1 километр конвейер йўли қурилади, ишлаб чиқариш, транспорт, энергетика ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилади. Янги мис-бойитиш комплекси, мисни электролиз қилиш, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш цехлари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилади.

Лойиҳа 2028 йилда тўлиқ қувватда ишга туширилади. Натижада 10 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, ёш мутахассислар учун 2017-2021 йилларда 400 оилага мўлжалланган 9 янги кўп қаватли уй, мактабгача таълим муассасаси ва 240 ўринли 2 ётоқхона барпо этилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 50 фоизи экспортга чиқарилади.

Маросимда Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Юртимиз ер ости бойликларига бой, лекин биз ундан унумли фойдалана олмаяпмиз, деди Президентимиз. Биз геология соҳасини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратмадик. Энди бу йўналишдаги ишларни тубдан яхшилаймиз ва соҳани такомиллаштирамиз.

Кечаги кун билан яшаш вақти ўтди. Бугун замон ўзгармоқда, биз ҳам шу шиддатга мос равишда ўзгаришимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳани кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугун мазкур тармоқда ишлаётган ёшлар кўплигини инобатга олиб, янги очилган конга "Ёшлик", деб ном беришни таклиф қилди.

Мажмуага тантанали равишда тамал тоши қўйилди.

Тадбирда комбинат фаоллари ва ёшлар сўзга чиқиб, ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга ошираётган эзгу ишлари учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Олмалиқ шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилиши режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.

Олмалиқ мамлакатимизнинг саноати ривожланган йирик шаҳарларидан бири. Ҳудудда янги конларнинг ўзлаштирилиши, аҳоли сонининг ўсиб бориши шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тақозо этмоқда. 2035 йилгача мўлжалланган бош режага кўра, Олмалиқнинг маъмурий ҳудуди 2 минг 600 гектардан 3,5 минг гектарга етказилади. Саноат ҳудуди шаҳар марказидан олиб чиқилиб, замонавий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига қулай уй-жойлар барпо этиш кўзда тутилган.

Имтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган етти қаватли ўнта уй Ибн Сино кўчасида бунёд этилмоқда. Ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган ушбу уйларнинг дастлабки иккитаси қуриб битказилиш арафасида. Мазкур уйларда аҳолига яшаш учун барча қулайликлар яратилган.

Лойиҳага кўра, бу ерда гипермаркет, мактабгача таълим муассасаси, маданият ва истироҳат боғи ҳам қурилади. Бу аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини ҳисобга олиб, тўққиз қаватли уйлар барпо этишни таклиф этди.

Янги уйлар Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида шаҳар аҳлига муносиб туҳфа бўлади, деди Президентимиз. Уйлар қурилиши йилдан-йилга кенгайиб боради. Келгусида бу ерда барча қулайликларга эга замонавий микрорайон қад ростлайди, халқимиз ҳам биздан рози бўлади.

Олмалиқ шаҳридаги "Ойдин" деҳқон бозори ва буюм бозорининг бугунги ҳолати, хизмат кўрсатиш даражаси талабга жавоб бермай қолган. Шу боис, ушбу бозорларни капитал реконструкция қилиш, қўшимча бино ва савдо нуқталари барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳада деҳқон бозоридаги турғун савдо нуқталарини тартибга келтириб, буюм бозори учун 450 ўринли павильонлар, замонавий автотурарgoҳ барпо этиш режалаштирилган.

Президентимиз ушбу бозорларда сотувчи ва харидорларга яратиладиган шарт-шароитлар билан қизиқди. Иншоотларни замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, қисқа муддатда сифатли барпо этиш, қўшимча қулайликлар яратиш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жойларда замонавий шифохоналар барпо этиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Олмалиқ шаҳар болалар шифохонаси реконструкцияси шу ишларнинг узвий давоми бўлиб, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга ўз вақтида ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кенг имконият яратади.

Ушбу муассаса биносида кўп тармоқли марказий поликлиника, тез тиббий ёрдам, юқумли касалликлар, қон қуйиш бўлимлари, бошқа бўлинмалар жойлашади. Даволаш-профилактика муассасалари марказлашиши натижасида бўшаган биноларда янги оилавий поликлиникалар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолига бирламчи тиббий ёрдамни яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шифохона биносини шу йил охиригача ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари шифохонани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, бунинг учун зарур маблағлар ажратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимизга замонавий типдаги шаҳар ФҲДЁ бўлимининг янги биноси қурилиши лойиҳаси намойиш этилди. Бобур номидаги маҳалла ҳудудида барпо этиладиган ушбу бинода ФҲДЁ бўлими, нотариал идора ва "ягона дарча" маркази фаолият кўрсатади. Бу типдаги ФҲДЁ биноси илк бор лойиҳалаштирилган бўлиб, адлия идораларининг бир жойда жойлашуви аҳолига сифатли юридик хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Ҳаётда инсон турли масалалар билан ҳар хил идораларга мурожаат қилишига тўғри келади, деди Шавкат Мирзиёев. Никоҳдан ўтаётган ёшлар, ҳуқуқий масалалар бўйича келган аҳоли ва тадбиркорларга бир жойда ёрдам бериш хизмат кўрсатиш сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш имконини яратади. Янги лойиҳага кўра, бундай хизматлар кўрсатадиган идоралар бир масканда жойлашади. Никоҳни қайд этиш билан бирга, тўй маросимларини ҳам шу масканларда ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Шундай қилсак, ҳам ФҲДЁ бўлими ишлайди, ҳам тартиб-интизом бўлади, тўйларимизни маданиятли, маърифатли қилиб ўтказишга эришамиз. Бунинг учун ушбу лойиҳани янада такомиллаштириш, қурилиш ишларида ҳар бир ҳудудининг иқлими, ўзига хос шароитини ҳисобга олиш зарур.

Шу ерда Олмалиқ шаҳар оқова сувларни тозалаш иншоотини реконструкция қилиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Олмалиқ шаҳри марказидаги 5/2 массивида қурилаётган 7 қаватли, 2 ва 3 хонали турар-жой биноларини бориб кўрди. Ўн беш йилга имтиёзли ипотека кредити асосида бериладиган мазкур уй-жойларда айни пайтда қурилиш ишлари якунига етказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур уйларда яратилган шароитлар билан танишди. Мутасаддиларга қурилиш ишларини сифатли бажариш, иншоотларни ўз вақтида қуриб битказиш ва топшириш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Олмалиқ шаҳри аҳолиси билан мулоқот қилди. Самимий ва очиқ ўтган суҳбатда шаҳар фаоллари ва ёшлар давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, турли долзарб масала ва муаммолар тезкорлик билан ҳал этилаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни эритиш фабрикаси ва махсус цехида бўлиб, иш жараёнини кўздан кечирди.

Шундан сўнг комбинатнинг мажлислар залида шаҳар ёшлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Олмалиқ шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди.

**ЎзА**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# МАТБУОТ ВА АХБОРОТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарини рўйхатга олиш, каширлик фаолиятини лицензиялаш ҳамда уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш бўйича тегишли талаб ва нормативлар ахборот бозорининг бугунги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилмаган.

Бундай ҳолатларга нисбатан тегишли чораларни қўллаш масаласида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг роли ва таъсири деярли сезилмаяпти.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари, нашрлик ва матбаачиликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот бозорини шакллантириш ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида:

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик деб юритилади) оммавий ахборот воситалари, ахборот алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаачилик, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчилик ижросини таъминлаш;

оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаачилик ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш;

оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаачилик ва ахборот-кутубхона фаолиятида қонун ҳужжатлари, давлат ва тармоқ стандартларига риоя этилиши, сўз ва ахборот эркинлиги кафолатларига риоя этилиши борасида мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги хуруж ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда иштирок этиш;

китоб тарғиботи орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш, китобхонлик анъаналарини кенг тарғиб қилиш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

(Давоми 3-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# МАТБУОТ ВА АХБОРОТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)**

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нашрларнинг чоп этилиши бўйича мақсадли дастурларни тайёрлаш ва ижросини ташкиллаштириш;

хорижда ўзбек тили ва адабиётини кенг тарғиб қилиш, нашриётларга китоб маҳсулотларининг халқаро китоб бозорида ўз мавқеи ва салмоғига эга бўлишида кўмаклашиш;

мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларининг ахборотларни тайёрлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда қатнашиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар, оммавий ахборот воситалари учун медиа бозорида тенг шароитлар яратиш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш;

нашрлик ва матбаачилик йўналишидаги техник-технологик базани ривожлантириш, уларни замонавий жиҳатдан янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаачилик ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида миллий ва халқаро танловлар, кўргазма-ярмарка ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш;

матбуот ва ахборот, ноширлик, матбаачилик, ахборот-кутубхона фаолияти соҳаларида тегишли минтақавий, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини Агентлик таркибига ўтказиш;

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги муассислигидаги "Тонг юлдузи" ва "Класс!" газеталари ҳамда "Гулхан" ва "Ғунча" журналларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига тўлиқ ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаб, белгиланган тартибда киритсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида" 2002 йил 3 июлдаги ПФ-3103-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2017 йил 11 август*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига шарҳ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган.

Ҳозирги кунда юртимизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётгани, уларнинг сафига яқинда қўшилган, кечаю кундуз узлуксиз фаолият олиб бораётган "O'zbekiston-24" телеканали ҳам миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрни ва ўз томошабинларини топиб бораётгани, Интернет — глобал тармоқда Uz домени веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев яқинда мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда адабиёт, санъат, маданият соҳасини янада ривожлантириш, бу борада иш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканига алоҳида эътибор қаратиб, шу йўналишда қатор фармон ва қарорлар лойиҳаси тайёрланаётгани ҳақида тўхталиб ўтган эди. Ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига имзо чекилгани мазкур йиғилишда айтилган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ишлар қатъий изчиллик асосида олиб борилаётганини кўрсатади.

Маълумки, ҳар қандай давлатда демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият барпо этиш кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаа фаолиятининг даражасига боғлиқ. Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўз ва ахборот эркинлигининг таъминлангани, ижодкорларнинг эркин фикр юритиш имкониятига эга бўлгани соҳада ислоҳотларни амалга оширишга шароит яратди. Ўтган йиллар давомида соҳанинг моддий-техник асоси мустаҳкамланди, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Шу билан бирга, кейинги пайтда бу борада қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги ҳам сезила бошлади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз фуқаролари маънавий оламини юксалтириш, уларда теварак-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олиш ва холисона хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантиришда ҳамма вақт ҳам фаоллик кўрсата олмаяпти. Айниқса, хусусий оммавий ахборот воситалари, нашриётларнинг фаолияти ночор аҳволда, улар халқимизнинг юксак маънавий-эстетик эҳтиёжлари даражасида иш юрита олмаяпти.

Хусусий мулк шаклидаги газеталар, радиостанциялар орқали эълон қилинаётган мазмунан саёз, ижтимоий аҳамияти паст, "оммавий маданият" руҳидаги материаллар, афсуски, вақтида малакали баҳосини олмаяпти ва уларга нисбатан тегишли қонуний чоралар қўлланмаяпти. Ушбу ўта масъулиятли ишни бажаришга масъул бўлган Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ўзига юклатилган вазифаларни адо этишда сусткашликка йўл қўймоқда.

Президент Фармонига мувофиқ Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари, ахборот алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаачилик, ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи этиб белгиланди.

Фармонда оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчилик ижросини таъминлаш, сўз ва ахборот эркинлигини кафолатлаш, ноширлик, матбаачилик ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатларига риоя этилиши борасида мониторинг ва назоратни амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Айни пайтда оммавий ахборот воситалари, матбуот соҳаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги хуруж ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда фаол иштирок этиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими самарадорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатимизда 118 нашриёт, 1 минг 760 матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бораётганини, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилаётганини қайд этиш лозим.

Ушбу Фармонда китоб тарғиботи орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш, китобхонлик анъаналарини кенг тарғиб қилиш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нашрларнинг чоп этилиши бўйича мақсадли дастурларни тайёрлаш ва ижросини ташкиллаштириш, шунингдек, хорижда ўзбек тили ва адабиётини кенг тарғиб қилиш, нашриётларга китоб маҳсулотларининг халқаро китоб бозорида ўз мавқеи ва салмоғига эга бўлишида кўмаклашиш мазкур соҳада бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар экани кўрсатиб ўтилди.

Алоҳида эътиборга лойиқ масалалардан бири шундан иборатки, Фармонда мулкчилик шаклидан қатъий назар, оммавий ахборот воситалари учун медиа бозорида тенг шароитлар яратиш бўйича муайян тадбирлар ишлаб чиқиш, ноширлик ва матбаачилик йўналишидаги техник-технологик базани ривожлантириш, уларни замонавий жиҳатдан янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соҳада миллий ва халқаро танловлар, кўргазма-ярмарка ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратилди.

Президент Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги таркибига ўтказилди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги муассислигидаги "Тонг юлдузи" ва "Класс!" газеталари ҳамда "Гулхан" ва "Ғунча" журналлари Халқ таълими вазирлиги тасарруфига тўлиқ ўтказилди.

Мухтасар айтганда, ушбу Фармон, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда матбуот ва ахборот соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш, миллий медиа майдонида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, оммавий ахборот воситаларига услубий ёрдам кўрсатишда беқиёс роль ўйнайди, фуқароларимиз ўртасида мустаҳкам маънавий муҳитни вужудга келтиради, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИДА МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

2. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларнинг бакалавриат таълим йўналишларига қабул ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига эга бўлган, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида тасарруфида ушбу таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан бериладиган тавсияномага эга педагог кадрлар ҳисобидан амалга оширилади;

махсус сиртқи бўлимда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Таълим йўналишлари бўйича битта талабани бир йиллик ўқитиш қийматини аниқлаш белгиланган тартибда амалга оширилади;

махсус сиртқи бўлимда ўқиётган талабаларга имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтида уларнинг ойлик маошлари асосий иш жойида сақланган ҳолда бир ўқув йилида икки марта бир ойдан ўқув таътили берилади. Бунда ўқув таътиллари қоида тариқасида умумтаълим муассасаларидаги қишки ва ёзги таътил вақтига тўғри келган даврда берилади ва уларга белгиланган тартибдаги йиллик меҳнат таътилларини бериш тартиби ҳам сақланиб қолади;

талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишда бўлган даврига тўғри келадиган дарс соатлари ўқишга юборган таълим муассасасининг ўқитувчилари (ходимлари) томонидан меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида ўтилади;

махсус сиртқи бўлим талабалари ўқишга киришда тавсиянома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни якунлагандан кейин тавсиянома берган ташкилот йўлланмасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузилади;

махсус сиртқи бўлимларда таълим йўналишлари хусусиятига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар асосида белгиланади;

олий таълим муассасасида махсус сиртқи бўлим ўқув жараёнини ташкил этишга факультет декани мақомидаги бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига 2017/2018 ўқув йили учун:

олий таълим муассасалари махсус сиртқи бўлимларида ўқиш учун тавсиянома берувчи вазирликлар ва идоралар рўйхатини;

мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида вазирликлар ва идоралар томонидан берилган таклифларни инобатга олган ҳолда махсус сиртқи бўлимларга қабул квоталарини;

махсус сиртқи бўлимларга қабул қилиш тартиби ва мезонлари ҳамда уч томонлама шартнома шаклини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Келгуси ўқув йилларига қабул квоталари олий таълим муассасалари учун белгиланган тартибда белгиланади.

5. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртқи таълим шаклида ташкил этилсин, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалавриат таълим йўналишининг 2-курсидан (ўқув режалардаги фанлар фарқидан қатъий назар) камида 3 йил муддат этиб белгилансин.

2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртқи ва сиртқи таълимларда ўқув жараёни истисно тариқасида жорий йилнинг 1 октябридан бошланиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 30 сентябргача:

2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимига 1-курсга талабаларни қабул қилиш юқори савияда ва адолатли ўтказилишини таъминласин;

олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимлари ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув режаси ва фан дастурларини тасдиқласин, шунингдек, уларга мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимларда дарс беришга юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантирсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган штатлар жадвали, даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритишни ва улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

7. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети махсус сиртқи бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгилансин ва унинг ҳузурида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

махсус сиртқи бўлимлар орқали умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш таълим мазмуни замонавий талабларга уйғун ривожлантирилишини таъминлаш ҳамда мазкур жараёнларга илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

махсус сиртқи бўлимлар ўқув жараёнларига илғор хорижий тажриба, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштириб бориш;

махсус сиртқи бўлимлар ўқув жараёнларига педагогика соҳаси олимлари ва мамлакатимизнинг етук мутахассислари жалб этилишини ташкил этиш;

педагогика соҳасининг долзарб илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

педагогик касбининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жумладан, ёшларни ўқитувчилик касбига йўналтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

махсус сиртқи бўлимлар фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасалари зарур ўқув ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда махсус сиртқи бўлимларга қабул қилиш тартиби, мезонлари ҳамда тузиладиган уч томонлама шартнома шаклини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 9 август*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, ёшларга замонавий билимларни бериш орқали уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши учун шароитлар яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ёшларга сифатли таълим бериш асосида уларни интеллектуал, эстетик ва жисмоний баркамол ривожлантириш, уларга таълим ва тарбия бераётган ўқитувчиларнинг юқори малакага эга бўлишини таъминлаш билан боғлиқ муҳим йўналишлар белгилаб берилди.

Бугунги шиддат билан ривожланаётган глобаллашув замонида ёшларимизни ёт ғоялардан асраш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, фан, техника ва технологияларнинг замонавий ривожланиш даражасига мос билим бериш орқали уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда таълим муассасалари ўқитувчиларининг ўрни беқиёсдир.

**(Давоми 5-бетда.)**

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

(Давоми. Боши 4-бетда.)

Ҳозирги кунда ўқувчи ёшларимиз республикамизда фаолият олиб бораётган 15359 та таълим муассасаси, жумладан, 4893 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 23 та Меҳрибонлик уйи, 304 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 211 та "Баркамол авлод" маркази, 227 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таълим-тарбия олмоқда.

Ушбу таълим муассасаларида ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини олдинги йилларда битирган 97564 нафар ўрта махсус маълумотли ўқитувчи фаолият юритмоқда. Ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар Қашқадарё вилоятида 13048 нафарни, Сурхондарё вилоятида 9447, Самарқанд вилоятида 8907, Қорақалпоғистон Республикасида 4835, Тошкент вилоятида 5004, Наманган вилоятида 4653, Хоразм вилоятида 4192, Андижон вилоятида 4260, Бухоро вилоятида 3366, Жиззах вилоятида 1871, Фарғона вилоятида 2048, Навоий вилоятида 1282 нафарни ташкил қилади.

Умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 112261 нафар бошланғич таълим ўқитувчисининг 41718 нафари (37,2 %) ўрта махсус маълумотли. Жумладан, бошланғич таълим ўқитувчиларининг Қашқадарё вилоятида 9014 нафари (62,1%), Сурхондарё вилоятида 6035 нафари (53,2%), Қорақалпоғистон Республикасида 3144 нафари (41,4%), Самарқанд вилоятида 5551 нафари (42,7%) ўрта махсус маълумотли кадрлар саналади.

Мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган жами 57974 нафар педагог ходимнинг 36305 нафари (63%) ўрта махсус маълумотга эга.

Шу муносабат билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори олий таълим тизимида умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун замонавий ўқитиш усулларини эгаллаган ўқитувчиларни тайёрлаш орқали ушбу муассасаларда таълим-тарбия сифатини ошириш, уларда дарс бераётган ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг олий маълумот олиш имкониятларини кенгайтириш учун зарур шароитлар яратишни назарда тутади.

Қарорга кўра, таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, мусиқа, тасвирий санъат, чет тиллари, меҳнат таълими, жисмоний тарбия йўналишлари ва бошқа фанлар бўйича олий маълумотли ўқитувчи ва тарбиячиларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш мақсадида 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб, 15 та олий таълим муассасасида педагогика йўналиши бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг чекка туманларида, қишлоқ жойларида фаолият олиб бораётган ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг ўзлари истиқомат қилаётган вилоят марказларидаги олий таълим муассасаларида олий маълумот олишлари учун шароит яратади.

Олий таълим муассасалари таркибида ташкил қилинган махсус сиртқи бўлимларнинг бакалавриат таълим йўналишларига қабул мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида ўрта махсус маълумотга ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига, шунингдек, ушбу таълим муассасаларининг идоравий бўйсунувига мувофиқ тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган педагог кадрлар ҳисобидан амалга оширилади.

Қарорнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири махсус сиртқи бўлим талабаларига қатор имтиёзлар берилиши билан боғлиқ. Жумладан, сиртқи бўлимда ўқиётган талабаларга имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтида уларнинг асосий иш жойида ойлик маошлари сақланган ҳолда бир ўқув йилида икки марта бир ойдан ўқув таътили берилади. Бунда ўқув таътиллари, қоида тариқасида, умумтаълим муассасаларидаги қишки ва ёзги таътил вақтига тўғри келган даврда берилади ва уларга белгиланган тартибдаги йиллик меҳнат таътилларини бериш тартиби ҳам сақлаб қолинади.

Махсус сиртқи бўлимга қабул қилишда тавсиянома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни якунлагандан кейин тавсиянома берган ташкилот йўлланмасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузилиши назарда тутилган.

Ушбу қарорда педагогика йўналиши бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртқи таълим шаклида ташкил этилиши, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалавриат таълим йўналишининг 2-курсидан (ўқув режалардаги фанлар фарқидан қатъи назар) камида 3 йил муддат этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, 2017—2018 ўқув йили учун махсус сиртқи ва сиртқи таълим шаклидаги ўқув жараёни, истисно тариқасида, жорий йилнинг 1 октябридан бошланади.

Қарорга мувофиқ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети махсус сиртқи бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари, ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланди. Унинг ҳузурида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият юритади. Шунингдек, қарорда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг педагог кадрлар тайёрлаш мазмунини замонавий талабларга уйғун ривожлантиришни таъминлаш билан боғлиқ асосий вазифалари белгилаб берилди.

Тегишли вазирлик ва идораларга 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимига 1-курсга талабаларни қабул қилишни юқори савияда ва адолатли ўтказишни таъминлаш, таълим йўналишларининг ўқув режа ва фан дастурларини тасдиқлаш, уларга мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

Шунингдек, педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимларда дарс бериш учун юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш билан боғлиқ алоҳида вазифалар қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан бир қаторда педагогик фаолият олиб бораётган ўрта махсус маълумотли ёшларнинг олий маълумот олиш имкониятларини кенгайтиради. Бу, ўз навбатида, педагоглик касбининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жумладан, ёшларни тизимли асосда ўқитувчилик касбига йўналтиришга хизмат қилади.

Мазкур қарор мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш, ёшларимизнинг маънавий баркамол, билимли, интеллектуал ривожланган бўлиб улғайишларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга янги куч бағишлайди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДКОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "ИЛҲОМ" ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимиз ҳаётида, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маданият, санъат ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда зарур шароит ва имконият яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳузуридаги Рассомлар ижодий бирлашмаси (кейинги ўринларда — Ўзбекистон Рассомлар ижодий бирлашмаси), Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Рассомлар ижодий бирлашмаси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистонда маданият, санъат ва журналистикани ривожлантириш учун маблағ ажратиш ва йўналтириш, бу борада тегишли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасини моддий таъминлаш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш, мазкур уюшмалар аъзолари бўлган ва соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фахрийларга манзилли моддий ёрдам кўрсатиш;

Фонд томонидан молиялаштириладиган муассасаларнинг моддий-техника базасини изчил мустаҳкамлаб бориш, унинг тасарруфидаги мулкни бошқариш, Фонд уставида белгиланган вазифаларни амалга оширишда маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

3. Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондининг Ҳомийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Фонднинг Ҳомийлик кенгаши томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган ижрочи директор раҳбарлик қиладиган Ижроия дирекцияси Фонднинг ижро органи ҳисобланади.

Фонднинг Ҳомийлик кенгаши раисига Фонд томонидан молиялаштириладиган муассасалар раҳбарларининг таклифлари асосида, зарур ҳолларда ушбу муассасалар тузилмасига, ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Фонднинг Ҳомийлик кенгаши (А.Н.Арипов):

Фонд даромад ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларни ҳар йили тасдиқласин;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгиласин ва тасдиқласин;

(Давоми 6-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДКОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "ИЛҲОМ" ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 5-бетда.)**

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, ҳомийларни жалб этсин;

Фонд Ижроия дирекциясининг даромадлари, харажатлари асосли экани ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича фаолияти тизимли назорат қилинишини таъминласин.

5. Қуйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Фондга Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидиялар);Фонд ихтиёрига ўтказиладиган ижод уйларини ижарага бериш ва Фонднинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Фонд ҳисоб рақамига 7 миллиард сўмни хайрия асосида ўтказиш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суднинг Фондга ноқонуний йўл билан топилган ва мусодара этилган даромадлар ҳисобидан 13 миллиард сўм йўналтириш тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

7. Белгилансинки, Фонд томонидан молиялаштириладиган муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби Фонднинг Ҳомийлик кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

8. Фонд ва у молиялаштирадиган муассасалар 2022 йил 1 январга қадар барча солиқлар, шунингдек, давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлардан озод қилинсин.

Ушбу имтиёзлар тақдим этилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар фақат Фонд зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сойлиқ қишлоғи манзили бўйича жойлашган "Оқтош" ижод уйи Фонд томонидан молиялаштириладиган ижодий уюшмалар ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиши учун шароитлар яратиш мақсадида Фонд бошқарувига ўтказилсин.

Фонднинг Ижроия дирекцияси Фонд бошқарувига ўтказиладиган мулкдан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб Фондга Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун бюджетдан маблағлар (субсидиялар) ажратсин.

Белгилаб қўйилсинки, Фонднинг маблағлари мазкур қарорнинг 9-бандида кўрсатилган муассасанинг сарф-харажатларини қоплаш учун ҳам ажратилади.

11. Ҳомийлик кенгаши:

бир ой муддатда Фонд устави, шунингдек, Фонд маблағларини шакллантириш тўғрисидаги Низом ва улардан фойдаланиш тартибини;

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 9-бандида қайд этилган Ижод уйининг коттежлари ва меҳмонхоналарини Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоларига улар ижод қилиш учун борганларида бериш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

12. Фонднинг Ижроия дирекцияси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент шаҳар, Алишер Навоий номидаги миллий боғ ҳудудидаги биносида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2017 йил 9 август*

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Кейинги пайтда мамлакатимизда ҳаётимизнинг энг муҳим соҳа ва тармоқлари ривожи бўйича билдирилган, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган амалий таклиф ва лойиҳаларни изчил, вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича самарали тизим шаклланиб, муваффақиятли фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувида маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича илгари сурилган ғоят муҳим таклиф ва ташаббуслар, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар билан мустаҳкамланиб, аниқ ҳуқуқий норма ва қоидалар сифатида ҳаётга жорий этилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ана шу учрашувда мамлакатимиз ижодкор зиёлиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш ҳақида ҳам долзарб вазифалар белгилаб олинган эди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан яна бир муҳим ҳужжат — "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор имзоланди.**

Қарорда мамлакатимизда маданият, санъат ва журналистикани ривожлантиришни молиявий таъминлаш, ушбу йўналишларда тегишли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш "Илҳом" жамоат фондининг асосий вазифаси сифатида белгилаб қўйилгани жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу пайтгача Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасини моддий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш, мазкур уюшмалар аъзолари бўлган ва соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фахрийларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш сингари масалаларда муаммолар мавжуд эди. Мазкур Фонд ташкил этилиши билан уларнинг барчаси ижобий ечимини топадиган бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "Илҳом" жамоат фонди юқорида тилга олинган ижодий муассасаларнинг моддий-техник базасини мунтазам мустаҳкамлаб бориш, уларга тегишли мулкни самарали бошқариш ишларига ҳам бевосита масъул саналади.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унга биноан Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди Ҳомийлик кенгашининг таркиби ҳамда Фонднинг ташкилий тузилмаси тасдиқланди, Фонднинг ижро органи бўлмиш Ижроия дирекциясининг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланди.

Фонднинг даромад ва харажатлари билан боғлиқ йиллик прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш, унинг маблағларидан фойдаланиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ҳамда тасдиқлаш Ҳомийлик кенгашининг зиммасига юклатилди. Шу билан бирга, бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини ҳамда ҳомийларни жалб этиш мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Яна бир муҳим масала — "Илҳом" жамоат фондининг маблағларини шакллантириш манбалари аниқ-равшан кўрсатилган. Хусусан, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлимларида ишлаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидиялар), Фонд ихтиёрига ўтказиладиган ижод уйларини ижарага бериш ва Фонднинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар шулар жумласидандир.

Президент қарорида "Илҳом" жамоат фондининг фаолиятини самарали йўлга қўйишга хизмат қиладиган принципиал жиҳатдан яна бир муҳим масала ўз аксини топган. "Илҳом" жамоат фонди ҳисобрақамига давлат бюджетидан 20 миллиард сўм маблағ ўтказиб берилиши ижодий муассасалар фаолиятини янада яхшилаш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилгандир.

Фонд томонидан молиялаштириладиган муассасалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби Ҳомийлик кенгаши томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилиши белгиланган. Фонд ва у молиялаштирадиган муассасалар 2022 йил 1 январга қадар барча солиқлар, шунингдек, давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлардан озод қилинади, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар фақат Фонднинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Қарорда Фонд томонидан молиялаштириладиган ижодий уюшмалар ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиши учун шароитлар яратиш масаласи ҳам инобатга олинган. Шу мақсадда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сойлиқ қишлоғида жойлашган «Оқтош» ижод уйи Фонд бошқарувига ўтказилиб, бу ерда барча ижодий уюшма ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлимларида фаолият кўрсатаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Фондга давлат бюджетидан маблағлар (субсидиялар) ажратиш ҳам қарорда алоҳида таъкидланади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг фаолиятини ривожлантириш, ушбу соҳалар вакилларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга муносиб иш ва дам олиш шароитларини яратиб беришни таъминлаш борасида янги имкониятлар очиб бериши билан улкан аҳамиятга эга.

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ ЖАМОАТ ВА СПОРТ ИШЛАРИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ТРЕНЕРЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

2. 2018 йил 1 январдан бошлаб нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тегишли йил учун Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан тўланишини назарда тутсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари бир йилда бир марта ўзлари учун мақбул бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш курсидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар учун тўланадиган умрбод ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилади;

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси учун Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Миллий олимпия қўмитаси маблағлари ва қонун ҳужжатлари тақиқланмаган бошқа манбалар Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларни санаторий-соғломлаштириш муассасаларига юбориш йўлланмалари ҳамда юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаган тренерларга бир марталик пул мукофотлари беришнинг молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси (А.Н.Арипов) томонидан кўриб чиқилади ва тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари учун тўланадиган умрбод ойлик тўловлар ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаган тренерларга тўланадиган бир марталик пул мукофотларини бериш тартиби тўғрисидаги ҳамда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларининг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда Ўзбекистоннинг юқори малакали спорт мутахассисларини ва машҳур спортчи ватандошларимизни мамлакатимизга хориж мамлакатлардан олиб келиш, уларни жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш ишларига жалб этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнатларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

уч ой муддатда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, мамлакатимизнинг нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндор спортчилари тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида улар учун 3 ва 6 ойлик қисқа муддатли махсус ўқув курслари ташкил этсин;

уч ой муддатда Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси томонидан махсус ўқув курсларини битирган Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларига тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли равишда рухсат бериш тартибини жорий қилсин;

икки ой муддатда Ўзбекистоннинг номдор спортчиларини хусусий спорт муассасаларини ташкил этишга кўмаклашиш, бириктириладиган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш турлари (бино ва иншоотлардан бепул фойдаланиш, маблағлар ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш ва ҳ.к.) бўйича таклифлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш механизмини белгиловчи тизимни яратиш бўйича чоралар кўрсин;

бир ой муддатда Республика олий спорт маҳорати мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва Республика спорт мактабларида “Спортчи” лавозимини жорий этиш, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгилашни ўз ичига олган Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб сиртқи бўлимни ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар хусусий спорт муассасаларини ташкил этиши учун Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тақдимномасига асосан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси спорт йўналишидаги фаолиятни сақлаб қолиш шарти билан, ўрнатилган тартибда “ноль” қийматида бўш бино ва иншоотлар берилиши ҳамда аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан ер участкалари ажратилишини таъминласин;

тижорат банклари томонидан имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар ажратилиши тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (уюшмалар) билан биргаликда бир ой муддатда Олимпия ва Паралимпия, Осиё ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорларининг бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш, уларни ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнларига фаол жалб этиш, халқаро спорт ташкилотлари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, жаҳонда Ўзбекистоннинг обрўсини янада юксалтиришда уларнинг ролини кучайтириш бўйича ҳамкорликдаги комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда Олимпия, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари иштирокидаги реклама маҳсулотларини имтиёзли жойлаштириш тартибини ишлаб чиқсин ва 2018 йил 1 январдан жорий этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистоннинг иқтидорли спортчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, етакчи хорижий спорт муассасаларида шартнома асосида малака оширишларини ташкиллаштириш, халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида “Ўзбекистон спорт агентлари ва селекционерлари уюшмаси”ни ташкил этиш ва унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир барча масалаларнинг ҳал этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги юқори маҳоратли спортчилар ҳамда уларнинг тренерлари фаолияти ва эришган ютуқларини ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатиш мақсадида босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли орасида мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласинлар.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 10 август*

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорига шарҳ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий терма жамоалари спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларни қўлга киритишлари, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори, спорт салоҳияти ва ютуқлари тизимли равишда ошиб боришини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бораётган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада спорт мусобақаларини ўзида мужассамлаган уч босқичдан иборат яхлит тизим яратилди. Мазкур тизим орқали нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчилар етишиб чиқмоқда.

Бугунги кунда юқори малакали спортчиларни тайёрлашда машаққатли меҳнат ва катта куч талаб этилишини инобатга олган ҳолда спортчиларнинг ўз маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари, жисмонан ва маънан етуклигини таъминлаш билан бирга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш зарур.

Мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ кенг миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жумладан, Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларини жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқаришга фаол кўмаклашиш, жамоат ва спорт ишларига босқичма-босқич жалб этишга доир “Катта спортдан кейинги фаолият” ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилиши белгиланган.

Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларига тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларини бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш миқдорлари белгиланган. Шунингдек, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар учун умрбод тўланадиган ойлик тўловлар ва уларнинг тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотлари жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган даромад солиғисиз амалга оширилиши назарда тутилган.

Юқори маҳоратли спортчилар узлуксиз равишда ўқув-машғулот жараёнида бўлишларини таъминлаш мақсадида, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида сиртқи бўлим очиш юзасидан аниқ таклиф киритиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, спортчиларга машғулот ва мусобақалар билан боғлиқ фаолиятларидан ажралмаган ҳолда таълим олишларига ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларидаги билимларини оширишга ва келажакда мураббийлар сафига қўшилишларига имконият яратади.

Қарорга мувофиқ, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари бир йилда бир марта ўзлари учун мақбул бўлган муддатда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида соғломлаштириш курсидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, мамлакатимизнинг нуфузли спорт мусобақалари ғолиб ва совриндор спортчилари тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида 3 ва 6 ойлик қисқа муддатли махсус ўқув курслари ташкил этилиши ва Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларига тренерлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли равишда рухсат бериш тартиби жорий этилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг машҳур спортчиларига хусусий спорт муассасаларини барпо этиб, ўзларининг маҳорат мактаблари фаолиятини кенг йўлга қўйиш имкониятини яратиш мақсадида уларга “ноль” қийматида бинолар бериш, ер ҳамда банклардан кредитлар ажратиш, бошқа имтиёзлар бериш юзасидан зарур чоралар кўриш белгиланди.

Мазкур қарор Ўзбекистонда спортчи ва мураббийларни моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, дунёга машҳур спортчиларимизга хусусий спорт муассасаларини очиш йўли билан нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этадиган спортчилар захирасини тайёрлашда муносиб ҳиссаларини қўшишларига имконият яратади.

Қарор доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчилар ва уларнинг тренерлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш, қолаверса, нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчиларимиз сафларини тобора кенгайтиришга хизмат қилади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Бу йўналишда авваламбор Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, газета-журналлар, телерадиоканаллар, ахборот агентликлари ва Интернет нашрларида меҳнат қилаётган муаллифларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, журналист кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини сақлаш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек, Уюшманинг ва Уюшмага қарашли бўлган Республика Миллий матбуот марказининг моддий-техника базасини ривожлантиришни молиялаштириш манбаси этиб Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди (кейинги ўринларда “Илҳом” жамоат фонди деб юритилади) маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан “Илҳом” жамоат фондига ажратиладиган бюджет маблағлари (субсидия) ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уюшманинг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Ислом Каримов кўчаси, 16-А уйга жойлаштирилишини таъминласин.

3. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг Уюшмага хайрия асосида 1 та “Дамас” русумли автомашинасини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Уюшма билан биргаликда эҳтиёжманд ва фаол журналистларни имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлаш ишларини белгиланган тартибда йўлга қўйсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 10 август*

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

# 10 синфга кимлар дарс беради?

## *Бунга жалб этилган энг тажрибали ўқитувчилар малака оширмоқда*




***Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2 август куни ўтказилган умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда 11 йиллик мажбурий ўрта таълимни жорий этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган мажлисда умумтаълим мактабларида 10—11-синфларни ташкил этиш масаласи муҳокама этилган эди.***

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида мазкур йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида очиладиган 10-синфларга дарс берувчи ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва билимларини янгилаш мақсадида икки кунлик қисқа муддатли малака ошириш курси ўтказилди. Ўқувда ҳудудий ХТХҚТМОИ ректор ва кафедра мудирлари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари методика маркази раҳбарлари, 380 дан зиёд илғор педагогик тажрибага эга ўқитувчилар иштирок этди.

Тадбирда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Собитхон Турғунов сўзга чиқиб, 11 йиллик умумий таълимга ўтишда илгари тўпланган тажрибалар, Буюк Британия, Қозоғистон, Россия ва Болтиқбўйи мамлакатлари тажрибалари ўрганилиб чиқилганини, улар асосида 10-синфларда ўқув режага 12 та фан киритилганини дарсларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва маънавий-психологик жиҳатларини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлади.

Шўъба йиғилишларида ҳар бир фан (12 та фан) ва компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари мақсади, вазифалари, таркибий қисмлари, жорий этиш ва назорат қилиш тартиби, 10-синфларда дарс ўтишнинг психологик масалалари ва замонавий усуллари бўйича маърузалар тингланди.

— Биз тренерлар ушбу ўқувлардан олган билим, кўникма ва малакамизни ҳудудимиздаги 543 та мактабнинг барчасида очилаётган 10-синфларга дарс берувчи ўқитувчиларга етказишимиз керак, — деди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасининг методика маркази раҳбари Гулчеҳра Абдуллаева. — Машғулотлар интерфаол, амалий, тренинг каби усулларда ўтказилди. Жойлардаги ўқувларни ҳам шу тарзда ташкил этмоқчимиз. Мазкур ўқувлар анъанавий август кенгашларига қадар ўтказиб бўлиниши лозим.

Икки кун давомида шўъба йиғилишларида барча фанлар кесимида, давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари, дарсликларининг мазмун-моҳияти юзасидан материаллар таҳлил этилди, таклифлар ўрганилди.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**
**В.ГРАНКИН**
**олган суратлар.**

---

*Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда Кинематографияни ривожлантириш маркази ўртасида англашув меморандуми имзоланди.*

# Ҳамкорлик — тараққиёт омили

Мазкур келишувга кўра, ҳар икки ташкилот ҳамкорлигида «Ёш кино ижодкорлар уюшмаси» фаолияти йўлга қўйилди. У ёшлар иштирокида турли ижтимоий аҳамиятга молик кинолойиҳаларни амалга ошириши белгиланган. Шунингдек, «Ёшлар пресс-клуби» ҳам ташкил этилди. Мазкур клуб ёшлар муаммолари ҳамда уларнинг ечимига бағишланган кўрсатув, теледебатлар тайёрлашни, шу йўл билан ёшлар ҳаётига чуқурроқ кириб боришни мақсад қилган.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Кинематографияни ривожлантириш маркази директори Ойбек Абдушукуров, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков соҳа ривожидаги янги уфқнинг очилиши билан ёшларни қутлаб, ушбу келишув ижодкор ёшларга қанот бағишлашини, ҳамкорлик ёшларни бирлаштириш билан бирга кинематография тараққиётини янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилажагини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Ёш киноижодкорлар уюшмасининг илк меҳнат маҳсули — «Welcome to Bukhara» номли видеоролик омма эътиборига ҳавола этилди.

**Мухлиса ҚОСИМОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

---

# Пойтахтимиз гуллаб-яшнасин!

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан тизимда амалга оширилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда бошқарма фаолиятига тааллуқли вазифалар, йўлларни таъмирлаш, ободончилик ишларида фуқаролар фаоллиги ошириш, пойтахтимизнинг ўзига хос ландшафтини яратиш, бошқарманинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш доирасида бажарилаётган ишлари ҳақида сўз юритилди.***

Анжуманда айтилишича, пойтахтимиздаги барча йўлларни таъмирлаш учун жами 520 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. 50 миллиард сўмлик биринчи босқичдаги таъмирлаш жараёнига 50 та кўча қамраб олинди. Иккинчи лойиҳанинг қиймати 15 миллиард сўм бўлиб, унинг доирасида барча туманлардан 2-3 тадан кўчани таъмирлаш режага киритилган. Бугунги кунгача 30 фоиз иш бажарилди. 1 август ҳолатига кўра, шаҳар ва туманлар миқёсида 134 минг квадрат метр йўл ва йўлак, 80 та бекат жорий таъмирланди.

Анжуманда ободонлаштириш жараёнини ОАВда кенг ёритиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**Сухроб ЗИЁДОВ**

---

# Тўйми ёки кимўзар?

Mulohaza

Азал-азалдан тўй миллий маданиятимизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, унда қадимий анъаналаримиз сақланиб, қариндош-уруғчилик риштлари мустаҳкамланган. Тўй қилиб, элга ош бериш мурод ҳосил бўлишининг бир кўриниши ҳамдир. Тўғри, дабдабали тўйлар ҳақида кўпдан бери гапирамиз, аммо "кимўзар"га тўй қилиш гўёки модага айланди. Кундан-кунга тўй сарф-харажатлари меъёридан ошиб бормоқда. Ҳамон исрофгарчилик, "Мен сендан камми?" қабилидаги дабдабабозлик тўйларимизнинг мазмунига айланиб қолди. Бу "бахт", "обрў" ёки "замона" сўзлари билан пардаланаётгани кишининг ғашига тегади. Тўй — бир кунлик тантана, ўтади-кетади. Шундай бўлгач, бир кунлик дабдаба билан келин-куёвнинг бахтини ўлчаш қай даражада ўзини оқлайди?

Шу масала юзасидан туманимиз маҳаллаларида яшаётган юртдошларимиз орасида сўровнома ўтказганимизда, катта ёшдаги кўпни кўрган онахону отахонларимиз, ҳатто ҳали турмуш қурмаган ёшлар ҳам бугунги тўйларда ҳаддан ташқари ортиқча харажатларга йўл қўйилаётгани, янги-янги "удум"лар ўйлаб топилаётгани ҳақида куйиниб гапирдилар.

Тўй — яқинлар билан дийдорлашиш ва икки ёшнинг оила қураётгани ҳақида элу юртга маълум қилиш, демакдир. Аммо бу 500 кишига ош дамлашу яна 500 кишини базмга чорлаш, фалон пулга фонограмма орқали қўшиқ айтадиган артистни таклиф этиш, дегани эмас. Нега ота-она умр бўйи меҳнат қилиб топган пулини бир кунда сарфлаши, камига қарз олиши керак? Тўйдан кейин ҳам ҳаёт давом этади. Никоҳ қуриш билан боғлиқ олди-берди, майда-чуйда гап-сўзларнинг ҳаммаси икки ёшнинг турмушига таъсир этмай қолмайди, албатта. Энг муҳими, келин-куёвнинг бахти ва саломатлиги, оилада дунёга келадиган фарзандлар таълим-тарбиясидир.

Менимча, ота-она фарзандига қандай "зўр" тўй қилганликлари билан эмас, балки уни жамиятга муносиб шахс қилиб тарбиялагани билан ғурурланиши керак. Ана шундагина жамиятдаги мувозанат, муҳит барқарор бўлади.

**Гулноза ҲОЖИМУРОДОВА,**
**Чиноз тумани ФҲДЁ бўлими инспектори**

Ma'rifat
2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

# Соғлом ва баркамол авлод – келажагимиз

## Мактабгача таълим ходимларининг анъанавий август кенгашлари ялпи ва шўъба йиғилишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш юзасидан методик тавсия

***Мактабгача таълим тизими ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим босқичидир. Бугунги кунда ушбу тизимни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури асосида чуқур ўзгаришлар амалга оширилмоқда.***

Хусусан, мактабгача таълим тизимини тартибга солувчи қатор низомлар тасдиқланди. Жорий йилда таъмирдан чиқарилаётган 301 та боғча 9 номдаги мантиқий ривожлантирувчи дидактик ўйинчоқлар билан таъминланди. Муассасаларда болаларнинг бадиий адабиётга қизиқишини барвақт уйғотиш, педагогларни зарур бадиий, илмий-услубий адабиётлар билан таъминлаш мақсадида кичик кутубхоналар ташкил этилди. Тизим педагог кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув режалари ва дастурлари такомиллаштирилди. Бу ўзгаришлар мактабгача таълим тизими ходимлари олдига қатор вазифаларни қўйди. "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон" шиори остида ўтказиладиган август кенгашларида шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шўъба йиғилишларини ўтказиш учун педагоглар орасидан маҳоратли, педагогик компетенция ва жамоа билан ишлаш тажрибасига эга тренерлар танлаб олинади. Шўъба йиғилишлари ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, кластер, давра суҳбати, блиц-ўйин, венн диаграммаси ва сўровномалар, дебатлар, семинар-тренинг каби интерфаол методларда олиб борилиши мумкин.

**Шўъба йиғилишларини қуйидаги йўналишларда ўтказиш тавсия этилади:**

**1. Мактабгача таълим муассасаларининг мудира ва методистлари шўъбаси:**

- Президентимизнинг "2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси асосида болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлашда МТМнинг ўрни;
- машғулотларда замонавий педагогик технологияларни қўллаш;
- куннинг иккинчи ярмида болаларга индивидуал ёндашувни ташкил этиш;
- МТМ раҳбарининг касбий компетенциялари, педагогик маҳорати ва маданиятини оширишда бошқарув санъати;
- такомиллаштирилган "Болажон" таянч дастури асосида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш;
- мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларини амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш мақсадида вариатив дастурларни ишлаб чиқиш;
- МТМ раҳбарлари ва педагогларининг коммуникатив компетенциясини такомиллаштириш йўллари;
- МТМ раҳбарининг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлиги;
- болаларга чет тилини ўргатиш тўгаракларини ташкил этиш;
- МТМда соғлом овқатлантиришни ташкил этиш;
- МТМга болалар қамровини оширишда қисқа муддатли гуруҳларнинг аҳамияти ҳамда 6–7 ёшли болалар ривожланишидаги ижобий ўзгаришларни кузатиш ва баҳолаш;
- МТМда инклюзив таълимни ташкил этиш;
- МТМда илғор иш тажрибаларини аниқлаш, умумлаштириш, оммалаштириш ишларини тизимли олиб бориш;
- болаларни мутолаага қизиқтиришда кичик кутубхоналарнинг таъсирини кучайтириш;
- жамоадаги низоли вазиятлар, стрессни бошқаришнинг психологик асослари ва ҳоказо.

**2. Мактабгача таълим муассасалари психологлари шўъбаси:**

- ➢ соҳага доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва фаолиятга татбиқ этиш;
- ➢ болалар қобилиятини психодиагностика қилиш ва иқтидорлилар билан ишлаш;
- ➢ 6 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлашдаги психологик муаммолар;
- ➢ МТМда психологик хизмат кўрсатиш — баркамол шахс тарбиясида муҳим омил;
- ➢ гуруҳларда ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишга психологик ёндашув;
- ➢ МТМда психологик ишларни расмийлаштириш, ҳужжатлар билан ишлаш;
- ➢ малака ошириш курсидан кейинги фаолият юзасидан психологнинг 3 йилга мўлжалланган истиқбол режаси ва уни бажариш.

**3. Дефектологлар шўъбаси:**

- ✓ "Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимга қўйилган Давлат талаблари"ни амалиётга татбиқ этиш;
- ✓ дефектолог, психолог, тарбиячи ва ота-оналар ҳамкорлиги;
- ✓ ривожланишида камчилиги бор болалар билан ўтказиладиган кундалик якка ва фронтал машғулотлар олиб бориш;
- ✓ ривожланишида камчилиги бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишларга ота-оналарни жалб қилиш;
- ✓ ўйинларнинг болалар ривожланишидаги аҳамияти;
- ✓ малака ошириш курсидан кейинги фаолият юзасидан дефектологнинг 3 йилга мўлжалланган истиқбол режаси ва уни бажариш йўллари.

**4. Жисмоний тарбия йўриқчилари шўъбаси:**

- "Болажон" таянч дастури асосида жисмоний тарбия машғулотларини режалаштириш;
- мактабгача таълимга қўйилган Давлат талабларини амалиётга татбиқ этиш;
- илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;
- болаларни жисмоний ривожлантиришда миллий ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти;
- жисмоний машқлар билан бирга амалга ошириладиган чиниқтириш тадбирлари;
- болалар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларни жисмонан ривожлантириш;
- МТМда жисмоний тарбия йўриқчиси иш ҳужжатларининг юритилиши;
- болаларни чиниқтириш — саломатликни сақлаш омили сифатида;
- эрталабки бадантарбия ва жисмоний тарбия машғулотларини ноанъанавий усулларда ташкил этиш;
- болаларни спорт тўгаракларига жалб қилиш;
- малака ошириш курсидан кейинги фаолият юзасидан жисмоний тарбия йўриқчисининг 5 йилга мўлжалланган истиқбол режаси ва уни бажариш.

**5. Мусиқа раҳбарлари шўъбаси:**

- машғулотда замонавий педагогик технологияларни қўллаш;
- болаларни чолғу асбоблари билан таништириш;
- болаларнинг мустақил фаолиятида мусиқали-дидактик ўйинлардан фойдаланиш;
- МТМ мусиқа раҳбари ва тарбиячининг ҳамкорликдаги фаолияти;
- МТМда иқтидорли болалар билан ишлаш;
- мусиқа машғулотларини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- малака ошириш курсидан кейинги фаолият юзасидан мусиқа раҳбарининг 5 йилга мўлжалланган истиқбол режаси ва уни бажариш.

**6. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари шўъбаси:**

- "Болажон" таянч дастури асосида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш;
- мактабгача таълимга қўйилган Давлат талаблари ва "Болажон" таянч дастури асосида қизиқарли машғулот ишланмаларини тайёрлаш ва оммалаштириш;
- куннинг иккинчи ярмида болаларга индивидуал ёндашув;
- илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;
- 5–6 ёшдаги фарзандлари мактабгача таълимга қамраб олинмаган оилалар учун тарқатилган 5 номдаги китоблардан фойдаланиш;
- 3–6 ёшли фарзандлари мактабгача таълимга қамраб олинмаган оилаларга тарқатилган 7 номдаги китоблардан самарали фойдаланишда амалий-методик ёрдам кўрсатиш;
- "Болажон" таянч дастури ва мактабгача таълимга қўйилган Давлат талабларида берилган индикаторларнинг болалар томонидан ўзлаштирилишини таҳлил қилиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш йўллари;
- ота-оналар билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш усуллари;
- машғулотларни АКТ ва интерфаол усуллар асосида ташкил этиш;
- бола шахсини шакллантиришда ривожлантирувчи муҳитнинг аҳамияти;
- "Тежамкорлик сабоқлари" дастури асосида интеграцион машғулотларни ташкил этиш;
- "Зумрадойлар давраси" тўгарагида машғулотлар ўтказиш бўйича методик қўлланма, буклетлар ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- малака ошириш курсидан кейинги фаолият юзасидан тарбиячининг 5 йилга мўлжалланган истиқбол режаси ва уни бажариш йўллари;
- болаларни мактаб таълимига тайёрлашда илк математик тасаввурларни шакллантиришнинг инновацион усулларини қўллаш;
- МТМда ота-оналар йиғилишларини ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш;
- 5–7 ёшли болалар учун "Шахмат" тўгарагини ташкил этиш;
- қисқа муддатли гуруҳлар ҳамда оилаларда болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш.

**7. Мактабгача таълим муассасаларининг ҳамширалари шўъбаси:**

- МТМда ёзги соғломлаштириш мавсумида профилактика ишларини ташкил этиш;
- МТМда болаларни соғлом овқатлантириш ва меъёрий ҳужжатларни юритиш;
- тез тиббий ёрдамни ташкил этишда ҳамширанинг вазифалари;
- кишки захирага озиқ-овқат маҳсулотларни олишни режалаштириш;
- таомнома тақсимотини шакллантириш (кунлик таомномани тузиш) ва 10 кунлик намунавий таомнома тузиш;
- ошхона жиҳозлари, анжом ҳамда технологик жиҳозларга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари.

**2017-2018 ўқув йилининг асосий вазифалари:**

**1. "Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари" асосида жаҳон амалиётидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш:**

— дастурларнинг вариатив шаклларини яратиш;

— машғулот жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш;

— куннинг иккинчи ярмида болаларга индивидуал ёндашувни ташкил этиш;

— илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш.

**2. Мактабгача таълимга болалар қамровини ошириш, "Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида"ги низом асосида мактаб таълимига сифатли тайёрлашнинг янги шаклларини жорий этиш:**

— бўш гуруҳларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш;

— 5–7 ёшли болалар учун "Келажакдаги ўқувчи гуруҳи" ва бошқа турдаги гуруҳларни ташкил этиш.

**3. Болаларни бадиий адабиётга қизиқтириш, оилада китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида МТМ, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини ривожлантириш:**

— кичик кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш;

— 5–6 ёшдаги фарзандлари мактабгача таълимга қамраб олинмаган оилалар учун тарқатилган 5 номдаги китоблардан фойдаланган ҳолда уларни мактабга тайёрлаш;

— 3–6 ёшли фарзандлари мактабгача таълимга қамраб олинмаган оилаларга тарқатилган 7 номдаги китоблардан самарали фойдаланишда амалий-методик ёрдам кўрсатиш.

**Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази**

# Бугунги ўқитувчи тайёр ахборот бермайди

## балки ўқувчини чуқур билим олишга ундайди

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маъruzасида “Тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди. Умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ замонавий ўқув режа ва услубларни жорий этиш талаб даражасида эмас”, дея таъкидлаган эди.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”, 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги”ги қарорлари педагоглар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари, мақсад ва вазифалари, асосий принциплари, таркибий қисмлари, талаблари ва унинг босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши, амалдаги ДТСдан фарқли томонлари бугунги кунда педагоглар томонидан каскад усулидаги ўқувларда ўрганилмоқда.

Янги ДТС ўқувчиларда таянч ва предметга оид умумий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган. Демак, умумий ўрта таълимда ўқувчиларга фақат “билим бериш” эмас, уларда компетенцияларни шакллантириш бугунги кун ўқитувчисининг энг муҳим вазифасига айланмоқда. 2017-2018 ўқув йилидан ҳар бир синф бўйича янгиланган ўқув дастурига ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган таянч компетенциялар элементлари киритилди. Мавзулар ва уларга ажратилган соатлар, мавзулар мазмуни ва фанга оид компетенциялар очиб берилди.

— Мисол учун, 5-синф адабиёт фани ўқув дастуридан жами 20 соатлик 12 та мавзу чиқарилиб, ўрнига болалар билиши зарур бўлган ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари намуналари киритилмоқда, — дейди Сергели туманидаги 104-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Арофат Мўйдинова. — Бўш қолган соатлар ҳисобидан Навоий (1 соат) ва Бобур (2 соат) ижодини ўрганиш учун қўшимча соатлар ажратилди. Бу айни муддао бўлди. Чунки соатлар кам ажратилгани сабабли ўқувчилар Навоий ва Бобур ижодини ўрганиб бўлганидан кейин ҳам ўтилган матнларни тушунмаган ҳолатлар кузатилар эди. 5-синфлар учун янги “Адабиёт” дарслиги ўқувчиларда бадиий компетенцияларни шакллантиришга, уларни ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Жараёнда дарсликларнинг янги авлодини ҳам мазмунан, ҳам шаклан талабга мос тарзда яратиш, уларни нашр этиш, жойларга етказиб бериш вазифаси турибди.

— Бошланғич синф ўқитувчилари учун босқичма-босқич яратилаётган мультимедиали методик қўлланмалар дарсларнинг қизиқарлилиги ва самарадорлигини таъминламоқда, — дейди “Она тили” дарслиги бўйича методик қўлланма муаллифларидан бири, 144-мактаб ўқитувчиси Машрабхон Умарова. — Бу йил 4-синфлар учун 7 та фандан яратилган мультимедиали методик қўлланмаларни интерактив анимациялар билан бойитдик. Хусусан, “Она тили” дарслигидаги 70 фоиз мавзуни қамраб олган 120 та дарс ишланма, ҳуснихат машқи, бошқотирмалар ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришда ўқитувчига ишончли ёрдамчи бўлади. Методик қўлланмадан самарали фойдаланилса, дарс ўқувчи учун қизиқарли ва мазмунли бўлиш баробарида хотирада узоқ вақт сақланади.

Янги ўқув йилида такомиллашган, мазмунан бойитилган олти номдаги, яъни 5—6-синф “Математика”, 9-синф “Алгебра”, 7-, 8-, 9-синф “Физика” дарсликлари 33069 нусхада ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларига етказилади.

Бугунги ўқитувчининг вазифалари кечаги кун муаллиминикидан тубдан фарқ қилади. Яъни, ўқитувчи ўқувчига тайёр ахборот бериб, яна ўшани қайта сўрайдиган эмас, балки таълим олувчини чуқур билим олишга йўналтирадиган, тадқиқотчиликка ундайдиган, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган бўлиши талаб этилаяпти. Бу ўқитувчидан алоҳида ташаббускорликни ҳам талаб қилади.

Навоий вилоятидаги умумтаълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик қизғин бормоқда. Бундай дейишимиз бежиз эмас. Вилоятнинг 6 туманида 24 параметр бўйича биттадан намунавий мактаб ҳамда МТМ ташкил этилди. Ушбу таълим муассасаларида тажрибали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тавсияси асосида намунали ижро интизоми, ҳужжатлар билан ишлаш, синфхоналарни жиҳозлаш, АКТдан самарали фойдаланиш, директорнинг ўқув ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари фаолияти, психолог хонаси ва ёшлар иттифоқининг мактаблардаги хоналарини ташкил этиш, методбирлашма ва услубий бирлашмалар фаолиятини жонлантириш, тўгаракларда тизимли иш ташкил этиш, бўшлиқларни тўлдириш бўйича чора-тадбирлар, ободонлаштириш каби долзарб вазифалар намунали тарзда ташкил этилади.

— Намунавий мактабларга ҳудудлар кесимида барча мактаб ўқитувчилари келиб, иш-тажриба ўрганади, — дейди Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Мадина Отаниёзова. — Тажрибали ўқитувчилар намунавий дарслар ташкил этади. Ўз ўрнида мактабларга бориб дарслар ўтиб беради, аниқланган бўшлиқлар бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқади. Йил давомида мазкур тажриба асосида ишни ташкил этган мактаблар фаолиятида самарадорлик ошиши кутилмоқда.

Изланувчанлик, таълимга янгича ёндашишни мақсад қилган қўплаб педагогларимиз таълим тизими, устоз-муаллимлар олдига қўйилаётган талабларни, ёш авлод олдидаги масъулиятини чуқур англаган ҳолда янги ўқув йилини ўзига хос иштиёқ билан бошлаш, машғулотларига янгилик олиб кириш тараддудида.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# Кўркам чет тили хонаси

Chet tili muhiti

## болаларнинг сифатли билим олишига хизмат қиляпти

***Паркент туманидаги 7-умумтаълим мактабининг чет тили хонаси электрон воситалар, аппликация ва эртак-китоблар билан безатилиб, ўзгача муҳит яратилган. Ўқитувчи болаларга грамматикани деворга осиғлиқ эртак қаҳрамонлари — “Зумрад”, “Қиммат”, “Оппоғой”лар ёрдамида тушунтирганда бу билимлар ўқувчи кўз ўнгида гавдаланиб, хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади.***



— Чет тили хонасини ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан безатаётганимиз уларнинг ўзига ишончи ва тил ўрганишга қизиқишини янада оширмоқда, — дейди мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Камола Эрматова. — Хонадаги безаклар ёрдамида дарсни қизиқарли ва мазмунли ташкил этишга интиламан. Кичик гуруҳларда Place met, to do List, Feedback электрон педтехнологияларидан фойдаланаман.

Изланувчан ёш педагог синфхонанинг озодалигидан тортиб, буюмлар, инвентарлар, эртак қаҳрамонлари ва ўйинчоқларнинг тартибли жойлаштирилишига аҳамият қаратади. Муассасада бошланғич синфлар учун 2 та компьютер хонаси ажратилган. Чет тили синфхоналари учун тўплам — компьютер, проектор, гилам, мева-ҳайвон муляжлари, магнит доска, махсус стол-стул, мультимедиа экрани, телевизор, DVD плеер, магнитола тақдим этилган. Машғулотда қўшиқ, рақс ва методик ўйинлар ўтказишга мўлжалланган аппликациялар, кўргазмали воситалар ўрин олган.

Чет тили ўқитувчилари ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари билан хоналарни безатиш бўйича тажриба алмашади. Камола Эрматова ҳам тумандаги 8-МТМ билан ҳамкорликда иш юритиб, қўл меҳнатига асосланган аппликациялар тайёрлаш ва уларни бола психологиясига мослаштиришда малакали тарбиячилар тажрибасини ўрганишга фурсат топади. Бир дарсида “Сусанбил” эртагининг таржимасини болажонларга ўргатаётиб, хўроз, ари каби қаҳрамонлар иштирокида саҳна кўриниши намойиш этди. Ўқувчилар кўриб, билиб, эшитиб, эслаб қолган янги сўзлар ёрдамида фикрлашга киришишди. Бу сабоқ қизиқувчан ўқувчи Жасур Тоҳировнинг ҳам эътиборини тортиб, кейинчалик унинг муваффақиятига замин бўлди. Жасур ўтган йили “Инглиз тили билимдонлари” танловининг туман босқичида айни шу воқеликни инглиз тилида талқин этиб, шартни намунали бажарди. Унинг иши ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Ўқитувчи синфхонада кичик кутубхона яратган бўлиб, синф бурчагида жавондан элликка яқин китоб ўрин олган. Болаларбоп бадиий адабиёт, журналлар, чет тилидаги манбалар ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашмоқда. Жавоннинг ён тарафидаги юмшоқ ўйинчоқлар, девордаги ёрқин рангли суратлар ва ёруғликни қайтармайдиган тўрпарда синфга файз бағишлайди.

Яқинда Камола Эрматова 1-синф ўқувчиларини ҳам аппликация ясашга ўргата бошлади. Уларга бешта бармоққа мослаштирилган “Оила кийимчаси” ясашни уй вазифаси қилиб топширди. Кейинги дарсда ўқувчилар рангли қоғоз ва матолардан қўлқоп шаклидаги оила тасвирини жонлантиришди. Ҳамманинг иши ўзига хос рангли ва безакли чиққан. Ўқувчилар мультимедиа воситаси орқали аввал “My dear mother and father” (“Менинг қадрли онам ва отам”) ашуласини тинглаб, ижро этишди. Кейин оила аъзоларининг инглиз тилида айтилишини ўрганишди.

Навбат болаларнинг жажжи қўлларидаги матоли қўлқопчага келганда, ҳамманинг кайфияти янада кўтарилди. Чунки қўл меҳнати билан ясалган ижодий ишларга эътибор ўқувчиларга ўзига хос рағбатдир. Бу бармоқчаларда ота, она, ака, сингил ва ука тасвири акс этган бўлиб, улар расмли бош бармоқни ота — father, кўрсаткич бармоқни она — mother, ўртанчи бармоқни ака — brother, кейингисини сингил — sister, жимжилоқни чақалоқ — baby дея изоҳлашди. “Менинг оилам” (“My family”) мавзусини жонлантирган юмшоқ ўйинчоқлар, яъни бармоқли кийимчалар яна бир безак сифатида синф жавонидан жой олди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ҚОЗОҚ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

| Т/р | Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи | Муаллифлар | Нашр этилган йили | Таъминланиш тури |
|---|---|---|---|---|
| | **1-синф** | | | |
| 1 | Алифбе (Әліппе) | М.Умаров | 2017 | Бепул |
| 2 | Ёзув дафтари | М.Умаров | 2017 | Бепул |
| 3 | Она тили (Ана тілі) | М.Омаров | 2017 | Бепул |
| 4 | Ўқиш китоби (Оқу кітабы) | М.Омаров | 2017 | Бепул |
| 5 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2017 | Бепул |
| 6 | Математика дафтари | М.Жумаев ва б. | 2017 | Бепул |
| 7 | Атрофимиздаги олам | М.Аҳмедова ва б. | 2017 | Бепул |
| 8 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2017 | Бепул |
| 9 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2017 | Бепул |
| 10 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2017 | Бепул |
| 11 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили "Kid's English-1" | М.Ирисқулов ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ" | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Француз тили "Hirondelle-1" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Технология | И.Маннопова ва б. | 2017 | Бепул |
| | **2-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А. Рафиев ва б. | 2016 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ана тілі) | М.Омарулы | 2016 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Оқу кітабы) | М.Омарулы | 2016 | Ижара |
| 4 | Русский язык | З.Абдураимова | 2016 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Абдураҳмонова ва б. | 2016 | Ижара |
| 6 | Атрофимиздаги олам | П.Ғуломов ва б. | 2016 | Ижара |
| 7 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2016 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | Ижара |
| 9 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2016 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-2" | С.Хан ва б. | 2016 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2" | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-2" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-2» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle-2" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | Бепул |
| 16 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-2» | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 17 | Меҳнат таълими | Х.Санакулов ва б. | 2016 | Ижара |
| | **3-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2016 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ана тілі) | М.Омарулы ва б. | 2016 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Оқу кітабы) | М.Омарулы ва б. | 2016 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Н.Сергеева ва б. | 2016 | Ижара |
| 5 | Математика | С.Бурҳонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2016 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2016 | Ижара |
| 8 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2016 | Ижара |
| 9 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2016 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2016 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-3" | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари «Activities book-3» | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-3" | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 16 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-3» | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| 17 | Меҳнат таълими | Х.Санакулов ва б. | 2016 | Ижара |
| | **4-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Ўқиш китоби (Оқу кітабы) | М.Омарулы ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Она тили (Ана тілі) | М.Омаров | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | М.Каримова ва б. | 2016 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2017 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов ва б. | 2017 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2017 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | О.Иброхимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Технология | И.Маннопова ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Инглиз тили "Kids' English-4" | С.Хан ва б. | 2016 | Бепул |
| 13 | Инглиз тили машқ дафтари «Activities book-4» | С.Хан ва б. | 2017 | Бепул |
| 14 | Немис тили "Deutsch mit spaβ-4" | М.Дадаходжаева ва б. | 2016 | Бепул |
| 15 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-4» | М.Дадаходжаева ва б. | 2017 | Бепул |
| 16 | Француз тили "Hirondelle-4" | С.Раҳмонов ва б. | 2016 | Бепул |
| 17 | Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-4" | С.Раҳмонов ва б. | 2017 | Бепул |
| | **5-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 2 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | У.Бойқобилов ва б. | 2015 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (Әдебиет) | Қ.Сейданов ва б. | 2015 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Ю.Мусурмонова | 2016 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High " | Л.Жўраев ва б. | 2017 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | З.Қиёмова ва б. | 2017 | Бепул |
| 7 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2017 | Бепул |
| 8 | Тарихдан ҳикоялар | У.Жўраев ва б. | 2015 | Ижара |
| 9 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 10 | Математика | Б.Ҳайдаров | 2015 | Ижара |
| 11 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 12 | Информатика | Д.Камолиддинова | 2016 | Ижара |
| 13 | География (Табиий география бошланғич курси) | П.Ғуломов ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Мусиқа | А.Мансуров | 2015 | Ижара |
| 15 | Меҳнат таълими | Ш.Шарипов ва б. | 2015 | Ижара |
| 16 | Тасвирий санъат | Т.Қўзиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Ижара |
| | **6-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | А.Исабаев ва б | 2017 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (Әдебиет) | Е.Абдувалитов ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Voyage en France» | З.Абдушукурова ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Математика | М.Мирзаахмедов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Физика | Н.Турдиев | 2017 | Ижара |
| 10 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 12 | Биология (Ботаника) | Ў.Пратов ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | География | А.Соатов ва б. | 2017 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 15 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Технология | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 17 | Тасвирий санъат | Қ.Мираҳмедов ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Ижара |
| | **7-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | Д.Айтбаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (Әдебиет) | К.Сейданов ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Цой ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Bon voyage» | В.Бухин ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Геометрия | А.Аъзамов ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2017 | Ижара |
| 14 | Биология (Зоология) | О.Мавлонов | 2017 | Ижара |
| 15 | География | П.Ғуломов ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | Технология | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 19 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2017 | Ижара |
| 20 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2017 | Ижара |
| | **8-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | Д.Айтбаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (Әдебиет) | Е.Абдувалитов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | М.Рожнова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Le nouveau voyage en France» | З.Абдушукурова ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Қ.Усмонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | У.Жўраев ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари | О.Каримова ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Геометрия | А.Раҳимқориев | 2014 | Ижара |
| 14 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 15 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Одам ва унинг саломатлиги | Б.Аминов ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | География | П.Мусаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 19 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | Р.Қўчқор ва б. | 2015 | Ижара |
| 20 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| 21 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2017 | Ижара |
| | **9-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | С.Аманжаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (Әдебиет) | Қ.Жумалиев ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Р.Усмонова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | М.Дадаходжаева ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «D'un Etat a l'autre» | С.Раҳмонов ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | С.Тиллабоев ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | М.Лафасов ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Конституциявий ҳуқуқ асослари | В.Костецкий ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | О.Мусурмонова ва б. | 2015 | Ижара |
| 12 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 14 | Геометрия | Б.Ҳайдаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 15 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Биология. Цитология ва генетика асослари | А.Зикиряев ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси | А. Қаюмов ва б. | 2014 | Ижара |
| 19 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 20 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| | **10-синф** | | | |
| 1 | Қозоқ тили (Қазақ тілі) | Д.Айтбаев ва б. | 2017 | Ижара |
| 2 | Адабиёт (Әдебиет) | Қ.Сейданов ва б. | 2017 | Ижара |
| 3 | Ўзбек тили | Х.Муҳиддинова ва б. | 2017 | Ижара |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2017 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили | Ф.Рашидова ва б. | 2017 | Ижара |
| 6 | Немис тили | С.Абдуллаева ва б. | 2017 | Ижара |
| 7 | Француз тили | З.Давронова ва б. | 2017 | Ижара |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Қ.Ражабов ва б. | 2017 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | Ш.Эргашев ва б. | 2017 | Ижара |
| 10 | Дунё динлари тарихи | З.Исломов ва б. | 2017 | Ижара |
| 11 | Давлат ҳуқуқ асослари | Н.Исматова ва б. | 2017 | Ижара |
| 12 | Маънавият асослари | В.Қўчқоров ва б. | 2017 | Ижара |
| 13 | Математика (алгебра анализ асослари, геометрия) | Ш.Исмаилов ва б. | 2017 | Ижара |
| 14 | Информатика ва ахборот технологиялари | Н.Тойлоқов ва б. | 2017 | Ижара |
| 15 | Физика | Н Турдиев ва б. | 2017 | Ижара |
| 16 | Органик кимё | С.Машарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 17 | Биология | А.Ғофуров ва б. | 2017 | Ижара |
| 18 | География | Ш.Шарипов ва б. | 2017 | Ижара |
| 19 | Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик | Ш. Убайдуллаев ва б. | 2017 | Ижара |

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)




## ХОТИРА КУШАНДАСИ ТОПИЛДИ

**Прагалик олимлар ачитқи (дрожжи) қўшилган маҳсулотларни истеъмол қилиш эслаб қолиш, мантиқий фикрлаш, ижодий қобилиятнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкинлигини аниқлади.**



"PLOS Computational Biology" нашрида ёзилишича, тадқиқотчилар бунга ачитқининг асосий хусусияти, яъни тез бижғишини сабаб қилиб кўрсатишган. Айнан шу ҳолат ачитқи орқали маҳсулотга, масалан, нонга, нон орқали эса қонга ўтади. Оқибатда қонда бижғиш жараёни юзага келади ва газ пайдо бўлиб, у мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ачитқи организмда зарарли шишларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Профессор Ларберт хамиртуруш ўрнига ачитқи асосида тайёрланган оқ ноннинг зарарли жиҳатини ўрганди. Узоқ вақт давомида бундай нонни истеъмол қилиш гемоглиаз касаллигини келтириб чиқаради. Бу касаллик бош оғриғи, уйқучанлик, асабийлашиш, овқат ҳазм қилишда муаммолар кузатилиши билан тавсифланади.

Ларбертнинг таъкидлашича, спиртли ичимликлар ва нон саноатида фойдаланиладиган термофил ("иссиқсевар") ачитқилар маҳсулот тайёрлаш жараёнида ҳам, истеъмол қилинганда ҳам парчаланмайди. Ҳатто печкада ҳам нобуд бўлмайдиган термофиллар организмга тушгач, кўпая бошлайди ва дастлаб ошқозон ҳужайраларини ишдан чиқаради, сўнг қонга ўтади. Бундай ачитқилар асосида тайёрланган маҳсулотлар ўт пуфаги, жигар, ошқозоности безида қум ва тошлар пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Қоннинг биокимёвий таркиби ўзгариши натижасида унинг томирларда ҳаракатланиши қийинлашади, майда тиқилмалар пайдо бўлади. Бундан ташқари, жиғилдон қайнаши, гастрит, кўз остида қора доғлар, мушакларда оғриқлар юзага келади.

Унутманг, хамиртурушда тайёрланган нон организм учун муҳим аминокислоталар, углеводлар, $B_1$, $B_7$, PP витаминлари, минерал моддаларга бойдир.

## НАВБАТДАГИ ГЛОБАЛ МУАММО

**Бир гуруҳ олимларнинг аниқлашича, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда 90 фоиздан ортиқ эркаклар ҳамда 50 фоиз болалар семириб кетяпти. Мазкур тадқиқот ҳақидаги мақола "Frontiers in Public Health" журналида босилди.**



— Ҳозирги кунда глобал муаммога айланган ортиқча вазн эпидемияси соғлиқни сақлаш тизими учун жуда хавфли, — деди Янги Зеландиядаги Окленд технология университети илмий ходим-изланувчиси Пол Лаурсен (Paul Laursen). — Дунёнинг 30та ривожланган давлатида ортиқча вазнли одамлар кўпайиб кетди.

Лаурсеннинг таъкидлашича, ҳатто семизликнинг енгил даражаси ҳам диабетнинг ривожланиши, моддалар алмашинувининг бузилиши ва бошқа турли касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, АҚШ, Исландия, Янги Зеландия ва Греция каби давлатларда семизлик билан боғлиқ жиддий муаммолар кўп учрамоқда. Бугун эркакларнинг 90 фоизи, аёлларнинг 71—81 фоизи ва болаларнинг 50 фоизи семизликнинг оғир ва енгил даражаси ҳамда улар билан боғлиқ касалликлардан азият чекмоқда. Бошқа ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичлар ҳам юқоридагиларга деярли яқин. Фақатгина Япония ва Бруней давлатларида семизлар сони 50 фоиздан ошмайди.

## ҚАЙТА ҚАЙНАТИЛГАН СУВНИ НЕГА ИЧМАСЛИК КЕРАК?

**Гарвард университети профессорлари сув икки (ёки ундан кўп) марта қайнатилса, таркибидаги фойдали моддалар ҳолати бузилиб, зарарли бирикмаларга айланиши мумкинлигини аниқлади.**



"The Telegraph" нашрида хабар берилишича, олимлар қайнатилган сувни яна қайнатиш ва ҳатто иситиш ҳам нафақат зарарли, балки хатарли эканини таъкидламоқда. Сув ўзида тузлардан тортиб минералларгача жуда кўп аралашмаларни жамлайди. Сув иситилаётганда унинг кимёвий таркиби ўзгаради. Бу ўзгарган моддалар киши организмига қайта иситилган сув билан тушиб боради. Қайнатилган сув неча бор қайта қайнатилса, саломатликка зарари ҳам шунча ортаверади.

Унда энг зарарли моддалар — мишьяк, фторид, нитрат каби заҳарлар ҳосил бўлади. Сув қайта қайнатилганида, ундаги фтор бирикмаларининг бир қисми фторид моддаларга айланади. Бундай моддалар асаб тизими фаолиятига салбий таъсир этиб, айниқса болаларда ақлий қолоқлик, аёлларда бепуштликни келтириб чиқаради. Сувнинг бир марта қайнатилиши унинг турли микроблардан холи бўлиши учун кифоя қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, инсон саломатлиги учун катта хавф солувчи моддалардан бири мишьяк одатда водопровод сувига микробларни йўқ қилиш учун жуда оз, яъни соғлиғимиз учун зарарсиз миқдорда қўшилади. Аммо бу модда қайнатилгани сари бирлашиб, йиғилиб бораверади ва оқибатда периферик нейропатия, тери касалликлари, ошқозон-ичак тизими, буйрак фаолияти бузилиши ва саратон хасталигини келтириб чиқариши мумкин.

Ҳаётимиз шундоқ ҳам нитратлар билан "тўйинган" — улар кундалик турмушда озиқ-овқат саноатида консервантлар сифатида ишлатилади. Лекин улар юқори ҳароратда саломатлик учун янада хавфли тус олади ва ичаклар, меъда, ошқозоности бези, жинсий-пешоб йўллари саратони ва лейкемияга сабаб бўлади.

## ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОДДИЙ ДАВОСИ

**Италиянинг Marche политехника университети олимлари қулупнай меваси саратон касаллигини даволашда муҳим омил эканини аниқлагани "Lenta.ru" манбасида ёзилди.**



Мутахассислар клиник тадқиқот орқали кунига бир пиёла ёки 15 дона қулупнай меваси ейиш саратон хасталигининг олдини олишини аниқлади. Бу хавфли касалликни орттириб олганларда ҳам синаб кўрилди. Қулупнай мазкур касалликка чалинган кишилар учун ҳам фойдали экани беморлардаги (кўкрак саратони) шишларнинг сезиларли кичрайганида намоён бўлди. Беш ҳафта ўтгач, бу хасталик шишлари тарқалиши ва ўсиши тўхтагани маълум бўлди. Бунда ўсимликнинг фенол компонентлари хасталикка ижобий таъсир этган.

Аввал ўтказилган тадқиқотларда кунига 10—15 дона қулупнай ейиш қон таркибидаги холестерин миқдорини пасайтириши исботланганди. Галдаги тажриба эса қулупнай меваси шарбати таъсирида саратон ҳужайралари биологик ўсиш ва тарқалишдан тўхташини кўрсатди. Шунингдек, касалликнинг кучайишига сабаб бўлувчи бир қанча генлар фаоллиги ҳам сусайган. Аммо қулупнай ошқозон ичак тизими хасталанган, хусусан, гастрит, ошқозон яраси бор кишиларга тавсия этилмайди. Чунки унинг таркибидаги кўп миқдордаги мева кислотаси мазкур касалликлар хуружини келтириб чиқаради.

Дарвоқе, баъзан каттароқ ва тезроқ қулупнай етиштириб, бозорда қимматга сотиш мақсадида агротехник усуллар ва воситалар (нитрат ва гормонлар) қўлланади. Тадқиқотчилар бундай "тезпишар"ларга алданмай, ўз пайтида етилиб пишган табиий қулупнайни танлашни маслаҳат беришади.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, Мухлиса ҚОСИМОВА тайёрлади.**

# Инновацион лойиҳа ва ишланмалар танлови

***Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг «Media-hall» мажмуасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан юртимиз ёшлари ўртасида «Best Soft Challenge — 2017» энг яхши дастурий таъминот воситалари танловини ўтказишга бағишланган матбуот анжумани ташкил қилинди. Тадбирда вазирлик мутасаддилари, тармоқ соҳа мутахассислари, иқтидорли ёшлар, журналистлар иштирок этди.***

Анжуманда таъкидланганидек, Президентимизнинг шу йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида бу борадаги ташкилий, ҳуқуқий имтиёзлар янада мустаҳкамланди. Мамлакатмизда шаҳарлар, бино инфратузилмаси хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу каби замонавий дастур ва ишланмаларни юртимиздаги мутахассислар, ёш кадрлар яратиши алоҳида аҳамиятга молик.

2013 йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу танлов мақсади дастурий маҳсулот яратувчи ёшларни рағбатлантириш, бу йўналишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва саноатга татбиқ этиш, дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришдан иборат. Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, 25 ёшгача бўлган барча юртдошларимиз «Ақлли шаҳар», «Компьютер ва мобиль ўйинлар», «Савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича энг яхши лойиҳалар» ҳамда «АКТ йўналишида энг илғор ғоя» номинацияларида иштирок этиши мумкин. Беллашув жорий йилнинг 4 августидан 10 ноябрига қадар индивидуал ва 3 кишидан иборат гуруҳлар ўртасида уч босқичда ўтказилади. Иштирокчиларни рўйхатга олиш ва ишланмаларни тақдим этиш www.software.uz сайти орқали онлайн тартибда амалга оширилмоқда.

— Бу йил танлов шартига бироз ўзгартириш киритилди, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассиси Шуҳрат Сатторов. — Яъни, шу вақтга қадар иштирокчилар танловда тайёр маҳсулот билан қатнашган бўлса, энди танлов ҳайъатига ишланмаларнинг лойиҳалари тақдим этилади. Ишларни баҳолашда уларнинг долзарблиги, ғоянинг оригиналлиги, технологик афзалликлари, қулайлиги, дастурий таъминотдан эркин фойдаланиш, унинг очиқ кодли тизимда яратилганига эътибор қаратилади. Бу йилги номинациялар замонавий дастурий таъминот воситалари бозоридаги энг сўнгги тенденциялар асосида саралаб олинади.

Анжуман сўнгида «Ўзбектелеком», «HUAWEI» компаниялари, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш маркази сингари ҳамкор ташкилотлар вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, “Ma’rifat” мухбири**

Elda aziz

*"Қадрли дўстим Ҳамидулла Қаюмович! Ўйлайманки, ишларингиз яхши. Сизга шуни мамнуният билан маълум қиламанки, дунёнинг турли мамлакатларидаги дўстларимиз менга хат ёзганда ёки қўнғироқ қилганда, албатта, сизни сўрашади, салом йўллашади. Бахтли одамсиз, Ҳамидулла Қаюмович, сизни одамлар эслашади ва севишади", деб ёзади мактубида устознинг Германияда яшаётган ҳамкасбларидан бири.*

# Ҳовлисида мактаб қурдирган устоз



Ҳа, Ҳамидулла Йўлдошев кўп йиллик фаолияти давомида Болгария, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Польша, Литва каби кўплаб мамлакатларда хизмат сафарида бўлиб, ўнлаб ҳамкасб дўстлар орттирган. Ҳамон улар билан ёш авлод таълим-тарбияси хусусида фикр алмашади. Шу ўринда устоз педагог иштирокида Сеул шаҳар таълим департаменти ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномасини таъкидлаш жоиз. Айнан ушбу ҳамкорлик боис қарийб йигирма йилдан буён пойтахтлик ўнлаб ўқитувчи ва кўплаб ўқувчилар Сеулда имтиёзли таълим олиш имконига эга бўлишди. Беғараз ёрдам сифатида Жанубий Кореядан юзлаб компьютерлар Тошкентга келтирилди.

Ҳамидулла Йўлдошев меҳнат фаолиятини 1956 йили Тошкент шаҳридаги 36-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида бошлаган. Кейин йигирма йил давомидаги фидокорона меҳнати натижасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи каби юксак вазифаларга лойиқ кўрилди. Илмий фаолиятда ҳам педагогика фанлари доктори, профессор даражасига етди. Устоз неча йиллар давомида мамлакатимиз халқ таълимини ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилди, кўплаб шогирдлар тарбиялади.

1975 йили Республика раҳбарияти томонидан Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Ҳамидулла Йўлдошевга пойтахтнинг аҳоли зич бўлган ҳудудида янги мактаб биносини қуриш учун жой топинг, деган топшириқ берилди. Бу атрофда бўш ер йўқлиги сабабли Ҳамидулла ака ота-онаси билан маслаҳатлашиб, ўзлари яшаб турган Гулобод кўчасида жойлашган катта боғ-ҳовлисини янги мактаб қурилиши учун беришга қарор қилди. Хуллас, меъморлар чақирилди, режа, лойиҳа билан Йўлдошевлар хонадони ҳовлисида 41-мактабнинг янги биноси қад кўтарди. Шаҳар раҳбарияти эса, Йўлдошевларнинг бағрикенглиги эвазига улар учун шаҳарнинг бошқа ҳудудидан жой ажратиб берди. Шу ўринда ўз уйида мактаб очиб, маърифат зиёларини таратган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Исҳоқхон тўра Ибрат сингари боболаримизнинг ибрати ёдга тушади.

Ҳамидулла Йўлдошев 2002 йилдан бошлаб ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори бўлиб ишлади ва элликка яқин қўлланма, рисола, монография, юздан ортиқ мақола чоп эттирди. Кўплаб шогирдларга тўғри йўл кўрсатди, ўттизга яқин докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқланишига хайрихоҳлик қилди. Доимо изланишда бўлди, ўз вазифасига ижодий ёндашди.

Устозлик мақомини маҳкам тутган, эл-юрт орасида ўз касби билан юксак мартабага эга бўлган инсонлар ўзини эмас, балки танлаган касбининг мавқеини ҳам яна-да юксакларга кўтаради. Ҳамидулла Йўлдошев ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топа олган устозлар сирасидан. Эл-юртнинг, шогирдларининг кўнгли ҳам, йўли ҳам шундай устозлар билан обод, фахрга чулғангандир.

Бугунги кунда 80 ёшга тўлиб, катта оиланинг бошлиғи, ўғил-қизлар, набиралар қуршовида кексалик гаштини сураётган Ҳамидулла Йўлдошев уйида ҳам барча қариндош-уруғлар бир дастурхон атрофига йиғилганда, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин: "Қани, энди педагогик кенгашни бошлаймизми?" деб набираларининг ишларини суриштира бошлайди. Бунинг сабаби, устознинг ўғил-қиз, келин, набираларининг кўпчилиги ўқитувчилик касбини танлаган. Яъни, улар Ҳамидулла Йўлдошев бошлаб берган ўқитувчилар сулоласининг давомчиларидир.

**Ислом ЗОКИРОВ,**
**Ҳумоюн АКБАРОВ**

# Китобхонлик тарғиботчиси

*Адабиёт дарси жуда қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтяпти. Муҳокамада Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи қаҳрамонлари. Ўқувчилар бир-бирига гап бермай Кумушнинг бевақт ўлими, Зайнаб дарди, Отабекнинг чорасизлиги, ота-она орзуси хусусида баҳслашмоқда. Шу вақт ўқитувчининг кўзи орқа партада чурқ этмай хаёл суриб ўтирган Шерзодга тушди. "Асарни ўқимаган шекилли, шунга бир четда гапга қўшилмай ўтирибди", ўйлади устоз.*

— Шерзод, марҳамат, асар ҳақидаги фикрингни эшитамиз.

Шерзод бироз каловланиб қолди. Нима дейишга иккиланиб турарди.

— Шундай бебаҳо асарни ҳанозгача ўқимаган, улкан хазинадан ўзингни маҳрум этган бўлсанг?

— Йўқ, устоз, ўқидим. Фақат менинг фикрим бошқачароқ. Айтсам, қандай қабул қиласизлар, деб ўйлаётгандим.

— Ҳар қандай фикрингни ҳурмат қиламиз. Асарни ўқиган ҳар бир одам ўзича хулоса чиқаришга ҳақли.

— Ҳаммангиз икки гуруҳга бўлиниб, Кумушнинг фожеасига гоҳ Зайнабни, гоҳ Отабекнинг ота-онасини айбдор қиляпсизлар. Менимча, ҳаммасига Отабек айбдор. У оилада ягона фарзанд, ота-онасининг ёлғиз умиди, орзу-ҳаваси эди. Ўзбекчиликда ота-она розилигини олиб, кейин оила қуради. Нега Отабек сабрли бўлмади? Ота-онасини тўйдан хабардор этмади. Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойимга Кумуш бир кўргандаёқ маъқул бўлганди. Шундай экан, Отабек ҳамма қатори аввал ота-онасининг розилигини олиб, кейин уйланиши керак эди. Унинг биргина нотўғри иши учун Кумуш ҳам, Зайнаб ҳам бахтсизликка учради.

Синфга жимлик чўкди. Шерзоднинг фикри ҳаммани ўйлантириб қўйди. Ўқитувчи вазиятдан чиқиш йўлини ўйлаётганди ҳамки, ўқувчилар яна баҳсга киришиб кетишди. Энди улар икки гуруҳга бўлиниб, Отабек образининг ижобий ва салбий жиҳатларини муҳокама этишга киришганди.

Ta'lim fidoyilari

Термиз шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Назокат Аннақулованинг дарслари ҳар доим шундай қизғин, баҳс-мунозараларга бой кечади. Унинг ҳар бир ўқувчиси китобни севувчи, баҳс-мунозарага ўч, нутқи равон, десак муболаға бўлмайди.

Н.Аннақулова 46 йилдирки, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Ёшларга сабоқ бериши асносида кўплаб ютуқларга эришди. Бугун у ишлаётган мактаб она тили ва адабиёт фанини ўқитиш бўйича вилоятда етакчи ўринда туради.

— Ўқувчи билан кўпроқ мулоқот қилган ўқитувчигина унинг руҳияти, феъл-атвори, қизиқиш ва лаёқатини ҳаммадан яхши англайди, — дейди Н.Аннақулова. — Шу туфайли ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида кўринмас ришта пайдо бўлади. Ушбу ришта ўқувчиларни юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашда, фанларга қизиқтиришда, энг муҳими, китобхонлик маданиятини юксалтиришда жуда қўл келади.

Муаллима адабиётга қизиқтиришда фақатгина анъанавий дарслар ва дарсликлардаги асар парчалари билан чекланмайди. Ўзи раҳбарлик қиладиган "Ёш адабиётшунослар" тўгараги доирасида ҳар ҳафтада синфлараро китобхонлик беллашувлари, шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд саналарига бағишланган адабий кечалар уюштириб боради. Бу эса ўқувчиларни доимий изланиш, китоб ўқиш ва ўқиганлари асосида фикрлаб, асарларни муҳокама этишга чорлайди.

Н.Аннақулова Термиз шаҳридаги кўплаб мактаблардаги ўқитувчилар билан касбий ва ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ҳар ойда икки марта ўтказиладиган йиғилишда она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари бир-бирлари билан ўзаро тажриба алмашиб, педагогик фаолият давомида дуч келаётган муаммоли вазиятларга ечим топадилар.

Фидойи устоз 2010 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. Бу унинг ёш авлод камолоти йўлидаги машаққатли меҳнатларининг муносиб эътирофидир.

**Зилола МАДАТОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Эл ардоғидаги олима

Fanimiz fidoyilari

*Ҳаёт инсонни тоблайди. Гоҳ қийинчиликлари, гоҳ синовлари билан шахс сифатида шаклланишига ҳисса қўшади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Қумри Сафоевани аччиқ қисмат онасидан жудо қилганида у уч яшар гўдак эди. Отаси Иккинчи жаҳон урушига кетганидан сўнг қизалоқнинг тарбияси бутқул холаси зиммасида қолди. Анбархон она ўрнида она бўлиб, жиянини вояга етказди. Олима шу хизматлари туфайли меҳрибон холасини доим чуқур миннатдорлик билан эслайди.*

Математикага қизиқиши юқори бўлган Қумрихон мактабни битирганида мақсади аниқ эди. Ўз бахтини илмда, педагогикада кўрган иқтидорли қиз Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг математика факультетига ўқишга киради. Университетни тамомлагач, аспирантурада ўқиш давомида ўша пайтда янги соҳа ҳисобланган "Иқтисодиётда математик усулларни қўллаш назарияси" мавзусида илмий изланиш олиб боради. Тадқиқот асносида Қумрихон кўп ечимга эга бўлган иқтисодий масалаларнинг оптимал ечимларини топиш усулларини ўрганувчи математик дастурлаштириш фанининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш билан шуғуллана бошлайди. 1966 йили ўз соҳаси бўйича республикада биринчилар қаторида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Олима 1990 йили "Ўзбекистон пахта комплексини оптималлаштиришнинг математик моделлари ва усуллари" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. 1991 йили янги ташкил этилган Тошкент молия институтининг "Математика" кафедраси мудири вазифасига тайинланади.

Ўзига муносиб издошлар тайёрлаш, илмий педагог кадрларни етиштиришда Қумрихон Сафоеванинг хизмати алоҳида. Унинг раҳбарлигида йигирмадан ортиқ докторлик ҳамда номзодлик ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Олиманинг ўзи эса тўрт монография, икки дарслик, ўнта ўқув қўлланма ва қатор илмий мақолалар муаллифидир.

**М.РАЕМОВ,**
**профессор**

# Ота касбини улуғлаган педагог

Yaxshilar yodi

*Ҳамма турли сабабларга кўра касб танлайди. Кимдир ота-онаси раъйига, кимдир қизиқишига, яна кимдир эса соҳанинг жамиятдаги мавқеи ва обрўсига қараб бирор ишнинг этагини тутади.*

Тажрибали педагог Алишер Абдуллаевга ўқитувчилик отасидан ўтганди. Эсини танигинидан буён кўча-кўйда ўтган-кетганнинг отасига ҳурматини кўриб улғайган йигит мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай ЎзМУнинг математика факультетига ўқишга кирди. Тиришқоқ ва изланувчанлиги билан устозлари назарига тушди. Юзлаб талабалар орасида қайсидир фазилатлари билан яққол эътибор қозониш нечоғлик мураккаб эканини билдиганлар Алишер ота касбини танлаб адашмаганига иқрор бўлишди.

Изланувчан йигит университетни муваффақиятли тамомлагач, Каттақўрғон туманидаги ўзи ўқиган 57-мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирди. Ўриндошлик асосида тумандаги коллежлардан бирида ёшларга ахборот технологиялари саводхонлиги бўйича дарс берди. Бир муддат ўтгач, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида таълим бера бошлади. Ўзига ишончи юқори, чуқур билим ва салоҳиятга эга ёш мутахассисни Тошкент молия институтига таклиф этишди.

Билим марраларини забт этгани сари кишининг илмга ташналиги, иштиёқи орта боради. Бу кечинмалар Алишер Абдуллаевга ҳам бегона эмасди. Изланувчан педагогнинг Россия Федерациясининг Жанубий Россия иқтисодиёт ва сервис университетида уч йил таҳсил олгани, Ҳиндистонда иқтисодиёт ва сервис хизмати бўйича малака ошириб қайтгани ҳам илм олишга интилиши ҳосиласидир. Маҳоратли муаллим илмий фаолият билан изчил шуғуллана бошлаган кезлари умр вафо қилмади. Гарчи ҳаётдан ёш ўтган бўлса-да, яқинлари ёдида меҳрибон фарзанд, самимий дўст, дилкаш инсон сифатида муҳрланиб қолди. Аслида, инсон бир умр интилиб яшайдиган орзу ҳам шу — эзгулик нуридан барчани баҳраманд этиш ҳамда одамлар хотирасида яхши ном қолдириш.

**Х.АБУЛФАЙЗОВ**

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

# Эътибор андижонлик ёшларга ҳам қанот берди

Ta’kid

***Бугун ўзбекистонлик ёшларнинг жаҳон майдонида эришаётган улкан муваффақиятлари, юксак натижалари юртимизда спортга алоҳида эътибор қаратилаётганининг меваси, албатта. Бу даврда биргина бокс бўйича ўнлаб Осиё ва жаҳон чемпионлари, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ҳасанбой Дўстматов, Фазлиддин Ғойибназаров, Шаҳобиддин Зоиров каби олимпиада чемпион ва совриндорлари етишиб чиқди.***

Эътиборлиси, мазкур жараёнда Андижон бокс мактаби мураббийларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бунда ёш ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, чекка қишлоқларда замонавий спорт иншоотлари қад ростлаб, зарур жиҳозлар билан таъминланганини халқимиз кайфиятини янада кўтармоқда.

Ўзбекистан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан биргина Андижон вилоятида ўтган йиллар мобайнида 174 та спорт иншооти барпо этилди. Улар энг замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Объектларнинг 86 фоизи туманларда, қишлоқ жойларда қад ростлагани нур устига нур бўлди.

Вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони айни пайтда 269 мингдан ортиб кетди. Уларнинг 130 минг нафари қизлар. Энди қишлоқ жойларидан ҳам чемпионлар етишиб чиқаётгани бу саъй-ҳаракатлар ўзини тамомила оқлаётганини билдиради. Зеро, бугун вилоятимизда 222 мингдан зиёд ўғил-қиз қишлоқларда қурилган спорт иншоотларида ўз маҳоратини оширмоқда.

Бундан қарийб бир йил олдин Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI Олимпия ва XV Паралимпия ўйинлари ва унда эришилган мисли кўрилмаган зафарлар ёдимизда. Ўзбекистонлик олимпиячилар мурасасиз курашларда 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза медаль жамғариб, 206 давлат орасида 21-ўринни қўлга киритди. Ана шу улкан, тарихий ютуққа Андижон вилояти вакиллари ҳам ўз ҳиссасини қўшганини бугун вилоятимиздаги кексаю ёш фахрланиб гапиради. Масалан, Булоқбоши тумани Дўлан қишлоғида катта бўлган Ҳасанбой Дўстматовни олайлик. Бу миқтигина бола барча рақибларини доғда қолдирибгина қолмай, ўз вазн тоифаси, тенгдошлари орасида жаҳоннинг энг кучли чарм қўлқоп соҳиби дея тан олинди. «Вэл Баркер» ва «Олтин Мангус» каби халқаро нуфузли мукофотлар эгаси бўлди. Хонободлик оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов эса олтин медалга олимпиада рекордини ҳам қўшиб қўйди. Булар шунчаки ғалабалар эмас, тарихнинг олтин китобига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган воқеалардир.

«Рио-2016» Паралимпия ўйинларида мамлакатимизнинг 32 вакили 31 та медални қўлга киритди.

Бу натижалар минглаб андижонлик болаларда ҳавас уйғотган. Уларнинг қалбида ҳам чемпионлик орзуси барқ урди. Вилоятда спортга эътибор янада кучайди. Буни болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг 2017 йилги бюджетини шакллантириш мақсадида ҳомий ташкилотлардан 5,2 миллиард сўм маблағ ажратилганидан ҳам билса бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижонга ташрифи чоғида «Универсал спорт комплекси» лойиҳаси билан танишиб, берган кўрсатмалари асосида бирламчи техник ҳужжатлар тайёрланди ва лойиҳа амалга оширилмоқда. Пахтаобод туманида ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилиши жорий йилда якунланиб, фойдаланишга топширилади.

Бундай бунёдкорлик ишлари спорт билан шуғулланаётган ёшлар сонини, уларнинг ўз кучи, салоҳиятига бўлган ишончини оширади. Ўзига ишонган, ўз имкониятига таянган болаларни енгиб бўлмайди. Ҳар йили минглаб спортга ҳавасманд қизларга рағбат тариқасида «Президент совғаси» — спорт кийимлари улашилади. Бу йил 15 минг 654 нафар ёш ана шундай тухфага муносиб кўрилди.

**Орифжон СИДДИҚОВ,**
**“Ma’rifat” мухбири**

# Хайрия акцияси

***“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан амалга оширилган навбатдаги акция қандли диабетга чалинган бемор болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.***

Ушбу хайрия акцияси Тошкент шаҳрида қандли диабетга чалинган 48 нафар бемор болага глюкометр ва тест тасмалари топшириш маросими билан бошланди. Бу тиббиёт воситалари навбат бирлан ҳар йили кўплаб оилаларга бепул тарқатилмоқда. Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти томонидан жўнатилган тиббий воситаларнинг умумий қиймати 14778 еврони ташкил қилади.

— Фондимиз томонидан берилаётган глюкометр ва тест тасмалари уйи шароитида қондаги глюкоза миқдорини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун поликлиникага бориш, навбатда туриш ва натижасини кутиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Уч йил мобайнида 380 нафар бемор болага бундай тиббий воситаларни текин улашдик. Глюкометр ва тест тасмалари билан ҳар бир киши ўз саломатлигини назорат қила олади, — дейди “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи Жумабек Нуров.

Бу хайрия тадбиридан кўплаб оилалар мамнун бўлди.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА,**
**“Ma’rifat” мухбири**

# Зомин тоғларида яйра, болажон!

Yoz — o‘tmoqda soz

***Зомин тумани мафтункор гўша. Соя-салқин масканлар зилол суви ва тоза ҳавоси билан оҳанрабодек ўзига тортади. “Лочин” оромгоҳи туманнинг энг баҳаво ҳудудида жойлашган. Жиззах шаҳридаги 29-меҳрибонлик уйига қарашли ушбу оромгоҳда 98 нафар тарбияланувчи соғломлаштирилмоқда.***

— Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ёз мавсумини шу ерда ўтказади, — дейди муассаса раҳбари Норкул Тоғаев. — Ўғил-қизларимизнинг ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун шароитлар етарли. Фан ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Болажонлар 6 та гуруҳга бириктирилган. Тажрибали мураббийлар уларга парвона.

Оромгоҳда жисмоний тарбия тўгараги доимо гавжум. Футбол тўгарагида маҳоратли ёшлар кўп. Ёш футболчилар қўшни оромгоҳдаги тенгдошлари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказмоқдалар.

Юқори натижаларга эришаётган ёшлардан бири Алланазар Бекбўтаев. Бокс бўйича республика чемпионатида 3-ўринни қўлга киритган. У нуфузли беллашувларга пухта ҳозирлик кўриш лозимлигини чуқур англаган ҳолда оромгоҳ бокс тўгарагида тенгдошларига маҳорат дарслари ўтмоқда.

Тарбияланувчилар Зоминнинг хушманзара тоғларига саёҳат уюштиришади. Тасвирий санъат тўгараги аъзолари табиат қўйнида ижод қилишади. Тўгарак аъзоси Достон Бердиевнинг бир неча йўналиш — пейзаж, портрет, натюрморт жанрида расм чизишга қўли келиб қолган. Ёш рассом меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида тасвирий санъат йўналишида ўтказиладиган республика кўрик-танловларидан кўпинча ғолиб бўлиб қайтади.

Оромгоҳда кўчма кутубхона хизмати йўлга қўйилган. Кутубхона мудири Ёрқиной Комилова бола қизиқиши ва ёшига мос китоб танлашга кўмаклашади. Ўқувчилар кўпроқ эртак, саргузашт ва детектив китобларни севиб ўқишади.

**А.СОДИҚОВ**




### МБАППЕ “ПСЖ”ГА ЎТМОҚДА

**Французларнинг «Монако» жамоаси ва «Пари Сен-Жермен» клуби иқтидорли ёш ҳужумчи Килиан Мбаппенинг пойтахт жамоасига ўтиши бўйича келишиб олгани ҳақида «Марса» нашрида хабар берилди.**

Манбада келтирилишича, “ПСЖ” раҳбарияти 18 ёшли футболчига 160 миллион евро беришга тайёр. Шунингдек, яна 20 миллион евро «Монако»га бонус тариқасида берилиши мумкин. Айни кез асосий иш ҳал бўлди, фақат парижликлар футболчи билан шартнома бандларини келишиб олиши ва ҳужжатларни расмийлаштириши қолди, холос.

Мбаппе «Монако» билан 2019 йилнинг ёзигача шартнома тузганди.

### ОЛТИНГА 5 СМ ЕТМАДИ

**Америкалик Кристиан Тейлор Лондон шаҳрида енгил атлетика бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида уч ҳатлаб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритди.**



«Евроспорт» нашрида ёзилишича, унинг энг яхши уриниши 17,68 метрлик масофа бўлди.

Бу борада иккинчи ўрин соҳибига аталган кумуш медаль ҳам америкалик спортчига — икки карра олимпия ўйинлари совриндори Уилл Клэйга насиб қилди. У ҳамюртидан атиги 5 см камроқ сакраган. 3-ўринга эса португалиялик Нелсон Эвора (17,19) кўтарилди.

### АНДЕРКАРДДАГИ ЖАНГЛАР

**Халқаро бокс федерациясининг иккинчи ярим енгил вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлиб турган америкалик Жервонт Дэвис галдаги жангини Конор Макгрегор ва Флойд Мэйуэзер жанги ўтказиладиган куни андеркардда ўтказади.**

Андеркард деганда асосий мусобақага қадар ташкил этилувчи жанглар тушунилади. ТАССда ёзилишича, Ж.Дэвис пуэрторикалик Роман Мартинесни жангга чорлайди. Шунингдек, мазкур санада америкалик собиқ чемпион Шон Портер ва швед спортчиси Баду Жек ҳам рингга чиқади. Портернинг рақиби пуэрторикалик Томас Дулорм бўлади.

Ушбу жанглар ҳамда Макгрегор ва Мэйуэзер муштлашуви 26 августда Лас-Вегасда ўтказилади.

### НАДАЛЬ «ЁШ БОЛА»ГА ЕНГИЛДИ

**Испаниялик таниқли ракеткачи Рафаэль Надаль Канаданинг Монреаль шаҳрида давом этаётган халқаро турнирнинг учинчи доира баҳсида маҳаллий теннисчи Денис Шаповаловга ютқазиб қўйди.**



ТАССда келтирилишича, Профессионал теннисчилар ассоциацияси(ATP)нинг умумий ютуқ жамғармаси 5,3 миллион долларга тенг мусобақасида испаниялик спортчи турнирга “wild card” орқали келган 18 яшар ўсмирга 6:3, 4:6, 6:7 (4:7) ҳисобида енгилган. Матч 2 соату 49 дақиқага чўзилган. Шаповалов чорак финалда франциялик Адриан Маннарино билан куч синашади.

Турнир 14 августгача давом этади.

### БУГУН ҒОЛИБ АНИҚЛАНАДИ

**Шахмат бўйича Американинг Сент-Луис шаҳрида давом этаётган Синкфилд кубогининг 8-турида россиялик гроссмейстер Сергей Карякин америкалик Уэсли Сони енгди, деб хабар берди ТАСС.**

Ютуқ жамғармаси 300 минг долларга тенг мусобақада, шунингдек, В.Ананд (Ҳиндистон) — Максим Вашье-Лаграв (Франция), Левон Аронян (Арманистон) — Петр Свидлер (Россия), Ян Непомнящий (Россия) — Магнус Карлсен (Норвегия), Фабиано Каруана (АҚШ) — Хикару Накамура (АҚШ) ўзаро баҳслашиб, дуранггга имзо чекди.

8-турдан кейин Вашье-Лаграв, Ананд, Аронян 5 очкодан йиғиб, етакчилик қилмоқда. Карякин, Карлсенда эса 4,5 очко мавжуд.

**Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.**

Elda aziz

***“Қадрли дўстим Ҳамидулла Қаюмович! Ўйлайманки, ишларингиз яхши. Сизга шуни мамнуният билан маълум қиламанки, дунёнинг турли мамлакатларидаги дўстларимиз менга хат ёзганда ёки қўнғироқ қилганда, албатта, сизни сўрашади, салом йўллашади. Бахтли одамсиз, Ҳамидулла Қаюмович, сизни одамлар эслашади ва севишади”, деб ёзади мактубида устознинг Германияда яшаётган ҳамкасбларидан бири.***

# Ҳовлисида мактаб қурдирган устоз



Ҳа, Ҳамидулла Йўлдошев кўп йиллик фаолияти давомида Болгария, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Польша, Литва каби кўплаб мамлакатларда хизмат сафарида бўлиб, ўнлаб ҳамкасб дўстлар орттирган. Ҳамон улар билан ёш авлод таълим-тарбияси хусусида фикр алмашади. Шу ўринда устоз педагог иштирокида Сеул шаҳар таълим департаменти ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномасини таъкидлаш жоиз. Айнан ушбу ҳамкорлик боис қарийб йигирма йилдан буён пойтахтлик ўнлаб ўқитувчи ва кўплаб ўқувчилар Сеулда имтиёзли таълим олиш имконига эга бўлишди. Беғараз ёрдам сифатида Жанубий Кореядан юзлаб компьютерлар Тошкентга келтирилди.

Ҳамидулла Йўлдошев меҳнат фаолиятини 1956 йили Тошкент шаҳридаги 36-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида бошлаган. Кейин йигирма йил давомидаги фидокорона меҳнати натижасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи каби юксак вазифаларга лойиқ кўрилди. Илмий фаолиятда ҳам педагогика фанлари доктори, профессор даражасига етди. Устоз неча йиллар давомида мамлакатимиз халқ таълимини ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилди, кўплаб шогирдлар тарбиялади.

1975 йили Республика раҳбарияти томонидан Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Ҳамидулла Йўлдошевга пойтахтнинг аҳоли зич бўлган ҳудудида янги мактаб биносини қуриш учун жой топинг, деган топшириқ берилди. Бу атрофда бўш ер йўқлиги сабабли Ҳамидулла ака ота-онаси билан маслаҳатлашиб, ўзлари яшаб турган Гулобод кўчасида жойлашган катта боғ-ҳовлисини янги мактаб қурилиши учун беришга қарор қилди. Хуллас, меъморлар чақирилди, режа, лойиҳа билан Йўлдошевлар хонадони ҳовлисида 41-мактабнинг янги биноси қад кўтарди. Шаҳар раҳбарияти эса, Йўлдошевларнинг бағрикенглиги эвазига улар учун шаҳарнинг бошқа ҳудудидан жой ажратиб берди. Шу ўринда ўз уйида мактаб очиб, маърифат зиёларини таратган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Исҳоқхон тўра Ибрат сингари боболаримизнинг ибрати ёдга тушади.

Ҳамидулла Йўлдошев 2002 йилдан бошлаб ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори бўлиб ишлади ва элликка яқин қўлланма, рисола, монография, юздан ортиқ мақола чоп эттирди. Кўплаб шогирдларга тўғри йўл кўрсатди, ўттизга яқин докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланишига хайрихоҳлик қилди. Доимо изланишда бўлди, ўз вазифасига ижодий ёндашди.

Устозлик мақомини маҳкам тутган, эл-юрт орасида ўз касби билан юксак мартабага эга бўлган инсонлар ўзини эмас, балки танлаган касбининг мавқеини ҳам яна-да юксакларга кўтаради. Ҳамидулла Йўлдошев ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топа олган устозлар сирасидан. Эл-юртнинг, шогирдларнинг кўнгли ҳам, йўли ҳам шундай устозлар билан обод, фахрга чулғангандир.

Бугунги кунда 80 ёшга тўлиб, катта оиланинг бошлиғи, ўғил-қизлар, набиралар қуршовида кексалик гаштини сураётган Ҳамидулла Йўлдошев уйда ҳам барча қариндош-уруғлар бир дастурхон атрофига йиғилганда, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин: "Қани, энди педагогик кенгашни бошлаймизми?" деб набираларининг ишларини суриштира бошлайди. Бунинг сабаби, устознинг ўғил-қиз, келин, набираларининг кўпчилиги ўқитувчилик касбини танлаган. Яъни, улар Ҳамидулла Йўлдошев бошлаб берган ўқитувчилар сулоласининг давомчиларидир.

**Ислом ЗОКИРОВ,**
**Ҳумоюн АКБАРОВ**

# Китобхонлик тарғиботчиси

***Адабиёт дарси жуда қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтяпти. Муҳокамада Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи қаҳрамонлари. Ўқувчилар бир-бирига гап бермай Кумушнинг бевақт ўлими, Зайнаб дарди, Отабекнинг чорасизлиги, ота-она орзуси хусусида баҳслашмоқда. Шу вақт ўқитувчининг кўзи орқа партада чурқ этмай хаёл суриб ўтирган Шерзодга тушди. “Асарни ўқимаган шекилли, шунга бир четда гапга қўшилмай ўтирибди”, ўйлади устоз.***

— Шерзод, марҳамат, асар ҳақидаги фикрингни эшитамиз.

Шерзод бироз каловланиб қолди. Нима дейишга иккиланиб турарди.

— Шундай бебаҳо асарни наҳотки ўқимаган, улкан хазинадан ўзингни маҳрум этган бўлсанг?

— Йўқ, устоз, ўқидим. Фақат менинг фикрим бошқачароқ. Айтсам, қандай қабул қиласизлар, деб ўйлаётгандим.

— Ҳар қандай фикрингни ҳурмат қиламиз. Асарни ўқиган ҳар бир одам ўзича хулоса чиқаришга ҳақли.

— Ҳаммангиз икки гуруҳга бўлиниб, Кумушнинг фожеасига гоҳ Зайнабни, гоҳ Отабекнинг ота-онасини айбдор қиляпсизлар. Менимча, ҳаммасига Отабек айбдор. У оилада ягона фарзанд, ота-онасининг ёлғиз умиди, орзу-ҳаваси эди. Ўзбекчиликда ота-она розилигини олиб, кейин оила қуради. Нега Отабек сабрли бўлмади? Ота-онасини тўйдан хабардор этмади. Юсуфбек ҳожи ва Ўзбек ойимга Кумуш бир кўргандаёқ маъқул бўлганди. Шундай экан, Отабек ҳамма қатори аввал ота-онасининг розилигини олиб, кейин уйланиши керак эди. Унинг биргина нотўғри иши учун Кумуш ҳам, Зайнаб ҳам бахтсизликка учради.

Синфга жимлик чўкди. Шерзоднинг фикри ҳаммани ўйлантириб қўйди. Ўқитувчи вазиятдан чиқиш йўлини ўйлаётганди ҳамки, ўқувчилар яна баҳсга киришиб кетишди. Энди улар икки гуруҳга бўлиниб, Отабек образининг ижобий ва салбий жиҳатларини муҳокама этишга киришганди.

Ta'lim fidoyilari

Термиз шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Назокат Аннақулованинг дарслари ҳар доим шундай қизғин, баҳс-мунозараларга бой кечади. Унинг ҳар бир ўқувчиси китобни севувчи, баҳс-мунозарага ўч, нутқи равон, десак муболаға бўлмайди.

Н.Аннақулова 46 йилдирки, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Ёшларга сабоқ бериши асносида кўплаб ютуқларга эришди. Бугун у ишлаётган мактаб она тили ва адабиёт фанини ўқитиш бўйича вилоятда етакчи ўринда туради.

— Ўқувчи билан кўпроқ мулоқот қилган ўқитувчигина унинг руҳияти, феъл-атвори, қизиқиш ва лаёқатини ҳаммадан яхши англайди, — дейди Н.Аннақулова. — Шу туфайли ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида кўринмас ришта пайдо бўлади. Ушбу ришта ўқувчиларни юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашда, фанларга қизиқтиришда, энг муҳими, китобхонлик маданиятини юксалтиришда жуда қўл келади.

Муаллима адабиётга қизиқтиришда фақатгина анъанавий дарслар ва дарсликлардаги асар парчалари билан чекланмайди. Ўзи раҳбарлик қиладиган “Ёш адабиётшунослар” тўгараги доирасида ҳар ҳафтада синфлараро китобхонлик беллашувлари, шоир ва ёзувчиларнинг таваллуд саналарига бағишланган адабий кечалар уюштириб боради. Бу эса ўқувчиларни доимий изланиш, китоб ўқиш ва ўқиганлари асосида фикрлаб, асарларни муҳокама этишга чорлайди.

Н.Аннақулова Термиз шаҳридаги кўплаб мактаблардаги ўқитувчилар билан касбий ва ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ҳар ойда икки марта ўтказиладиган йиғилишда она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари бир-бирлари билан ўзаро тажриба алмашиб, педагогик фаолият давомида дуч келаётган муаммоли вазиятларга ечим топадилар.

Фидойи устоз 2010 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. Бу унинг ёш авлод камолоти йўлидаги машаққатли меҳнатларининг муносиб эътирофидир.

**Зилола МАДАТОВА,**
**“Ma'rifat” мухбири**

# Эл ардоғидаги олима

Fanimiz fidoyilari

***Ҳаёт инсонни тоблайди. Гоҳ қийинчиликлари, гоҳ сийловлари билан шахс сифатида шаклланишига ҳисса қўшади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Қумри Сафоевани аччиқ қисмат онасидан жудо қилганида у уч яшар гўдак эди. Отаси Иккинчи жаҳон урушига кетганидан сўнг қизалоқнинг тарбияси буткул холаси зиммасида қолди. Анбархон она ўрнида она бўлиб, жиянини вояга етказди. Олима шу хизматлари туфайли меҳрибон холасини доим чуқур миннатдорлик билан эслайди.***

Математикага қизиқиши юқори бўлган Қумрихон мактабни битирганида мақсади аниқ эди. Ўз бахтини илмда, педагогликда кўрган иқтидорли қиз Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг математика факультетига ўқишга киради. Университетни тамомлагач, аспирантурада ўқиш давомида ўша пайтда янги соҳа ҳисобланган “Иқтисодиётда математик усулларни қўллаш назарияси” мавзусида илмий изланиш олиб боради. Тадқиқот асносида Қумрихон кўп ечимга эга бўлган иқтисодий масалаларнинг оптимал ечимларини топиш усулларини ўрганувчи математик дастурлаштириш фанининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш билан шуғуллана бошлайди. 1966 йили ўз соҳаси бўйича республикада биринчилар қаторида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Олима 1990 йили “Ўзбекистон пахта комплексини оптималлаштиришнинг математик моделлари ва усуллари" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. 1991 йили янги ташкил этилган Тошкент молия институтининг “Математика“ кафедраси мудири вазифасига тайинланади.

Ўзига муносиб издошлар тайёрлаш, илмий педагог кадрларни етиштиришда Қумрихон Сафоеванинг хизмати алоҳида. Унинг раҳбарлигида йигирмадан ортиқ докторлик ҳамда номзодлик ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Олиманинг ўзи эса тўрт монография, икки дарслик, ўнта ўқув қўлланма ва қатор илмий мақолалар муаллифидир.

**М.РАЕМОВ,**
**профессор**

# Ота касбини улуғлаган педагог

Yaxshilar yodi

***Ҳамма турли сабабларга кўра касб танлайди. Кимдир ота-онаси раъйига, кимдир қизиқишига, яна кимдир эса соҳанинг жамиятдаги мавқеи ва обрўсига қараб бирор ишнинг этагини тутади.***

Тажрибали педагог Алишер Абдуллаевга ўқитувчилик отасидан ўтганди. Эсини таниганидан буён кўча-кўйда ўтган-кетганнинг отасига ҳурматини кўриб улғайган йигит мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай ЎзМУнинг математика факультетига ўқишга кирди. Тиришқоқ ва изланувчанлиги билан устозлари назарига тушди. Юзлаб талабалар орасида қайсидир фазилатлари билан яққол эътибор қозониш нечоғлик мураккаб эканини биладиганлар Алишер ота касбини танлаб адашмаганига иқрор бўлишди.

Изланувчан йигит университетни муваффақиятли тамомлагач, Каттақўрғон туманидаги ўзи ўқиган 57-мактабга ўқитувчи бўлиб ишга кирди. Ўриндошлик асосида тумандаги коллежлардан бирида ёшларга ахборот технологиялари саводхонлиги бўйича дарс берди. Бир муддат ўтгач, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида таълим бера бошлади. Ўзига ишончи юқори, чуқур билим ва салоҳиятга эга ёш мутахассисни Тошкент молия институтига таклиф этишди.

Билим марраларини забт этгани сари кишининг илмга ташналиги, иштиёқи орта боради. Бу кечинмалар Алишер Абдуллаевга ҳам бегона эмасди. Изланувчан педагогнинг Россия Федерациясининг Жанубий Россия иқтисодиёт ва сервис университетида уч йил таҳсил олгани, Ҳиндистонда иқтисодиёт ва сервис хизмати бўйича малака ошириб қайтгани ҳам илм олишга интилиши ҳосиласидир. Маҳоратли муаллим илмий фаолият билан изчил шуғуллана бошлаган кезлари умр вафо қилмади. Гарчи ҳаётдан ёш ўтган бўлса-да, яқинлари ёдида меҳрибон фарзанд, самимий дўст, дилкаш инсон сифатида муҳрланиб қолди. Аслида, инсон бир умр интилиб яшайдиган орзу ҳам шу — эзгулик нуридан барчани баҳраманд этиш ҳамда одамлар хотирасида яхши ном қолдириш.

**Х.АБУЛФАЙЗОВ**

2017-yil 12-avgust, № 64 (9025)

# Эътибор андижонлик ёшларга ҳам қанот берди

*Бугун ўзбекистонлик ёшларнинг жаҳон майдонида эришаётган улкан муваффақиятлари, юксак натижалари юртимизда спортга алоҳида эътибор қаратилаётганининг меваси, албатта. Бу даврда биргина бокс бўйича ўнлаб Осиё ва жаҳон чемпионлари, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ҳасанбой Дўстматов, Фазлиддин Ғойибназаров, Шаҳобиддин Зоиров каби олимпиада чемпион ва совриндорлари етишиб чиқди.*

Эътиборлиси, мазкур жараёнда Андижон бокс мактаби мураббийларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бунда ёш ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, чекка қишлоқларда замонавий спорт иншоотлари қад ростлаб, зарур жиҳозлар билан таъминланганини халқимиз кайфиятини янада кўтармоқда.

Ўзбекистан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан биргина Андижон вилоятида ўтган йиллар мобайнида 174 та спорт иншооти барпо этилди. Улар энг замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланди. Объектларнинг 86 фоизи туманларда, қишлоқ жойларда қад ростлагани нур устига нур бўлди.

Вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони айни пайтда 269 мингдан ортиб кетди. Уларнинг 130 минг нафари қизлар. Энди қишлоқ жойларидан ҳам чемпионлар етишиб чиқаётгани бу саъй-ҳаракатлар ўзини тамомила оқлаётганини билдиради. Зеро, бугун вилоятимизда 222 мингдан зиёд ўғил-қиз қишлоқларда қурилган спорт иншоотларида ўз маҳоратини оширмоқда.

Бундан қарийб бир йил олдин Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI Олимпия ва XV Паралимпия ўйинлари ва унда эришилган мисли кўрилмаган зафарлар ёдимизда. Ўзбекистонлик олимпиячилар мурасасиз курашларда 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза медаль жамғариб, 206 давлат орасида 21-ўринни қўлга киритди. Ана шу улкан, тарихий ютуққа Андижон вилояти вакиллари ҳам ўз ҳиссасини қўшганини бугун вилоятимиздаги кексаю ёш фахрланиб гапиради. Масалан, Булоқбоши тумани Дўлан қишлоғида катта бўлган Ҳасанбой Дўстматовни олайлик. Бу миқтигина бола барча рақибларини доғда қолдирибгина қолмай, ўз вазн тоифаси, тенгдошлари орасида жаҳоннинг энг кучли чарм қўлқоп соҳиби дея тан олинди. «Вэл Баркер» ва «Олтин Мангус» каби халқаро нуфузли мукофотлар эгаси бўлди. Хонободлик оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов эса олтин медалга олимпиада рекордини ҳам қўшиб қўйди. Булар шунчаки ғалабалар эмас, тарихнинг олтин китобига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган воқеалардир.

**Ta'kid**

«Рио-2016» Паралимпия ўйинларида мамлакатимизнинг 32 вакили 31 та медални қўлга киритди.

Бу натижалар минглаб андижонлик болаларда ҳавас уйғотган. Уларнинг қалбида ҳам чемпионлик орзуси барқ урди. Вилоятда спортга эътибор янада кучайди. Буни болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг 2017 йилги бюджетини шакллантириш мақсадида ҳомий ташкилотлардан 5,2 миллиард сўм маблағ ажратилганидан ҳам билса бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижонга ташрифи чоғида «Универсал спорт комплекси» лойиҳаси билан танишиб, берган кўрсатмалари асосида бирламчи техник ҳужжатлар тайёрланди ва лойиҳа амалга оширилмоқда. Пахтаобод туманида ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилиши жорий йилда якунланиб, фойдаланишга топширилади.

Бундай бунёдкорлик ишлари спорт билан шуғулланаётган ёшлар сонини, уларнинг ўз кучи, салоҳиятига бўлган ишончини оширади. Ўзига ишонган, ўз имкониятига таянган болаларни енгиб бўлмайди. Ҳар йили минглаб спортга ҳавасманд қизларга рағбат тариқасида «Президент совғаси» — спорт кийимлари улашилади. Бу йил 15 минг 654 нафар ёш ана шундай тухфага муносиб кўрилди.

**Орифжон СИДДИҚОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Хайрия акцияси

***"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан амалга оширилган навбатдаги акция қандли диабетга чалинган бемор болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.***

Ушбу хайрия акцияси Тошкент шаҳрида қандли диабетга чалинган 48 нафар бемор болага глюкометр ва тест тасмалари топшириш маросими билан бошланди. Бу тиббиёт воситалари навбат билан ҳар йили кўплаб оилаларга бепул тарқатилмоқда. Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти томонидан жўнатилган тиббий воситаларнинг умумий қиймати 14778 еврони ташкил қилади.

— Фондимиз томонидан берилаётган глюкометр ва тест тасмалари уй шароитида қондаги глюкоза миқдорини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун поликлиникага бориш, навбатда туриш ва натижасини кутиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Уч йил мобайнида 380 нафар бемор болага бундай тиббий воситаларни текин улашдик. Глюкометр ва тест тасмалари билан ҳар бир киши ўз саломатлигини назорат қила олади, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимининг бошлиғи Жумабек Нуров.

Бу хайрия тадбиридан кўплаб оилалар мамнун бўлди.

**Хулкар ТЎЙМАНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Зомин тоғларида яйра, болажон!

**Yoz — o'tmoqda soz**

***Зомин тумани мафтункор гўша. Соя-салқин масканлар зилол суви ва тоза ҳавоси билан оҳанрабодек ўзига тортади. "Лочин" оромгоҳи туманнинг энг баҳаво ҳудудида жойлашган. Жиззах шаҳридаги 29-меҳрибонлик уйига қарашли ушбу оромгоҳда 98 нафар тарбияланувчи соғломлаштирилмоқда.***

— Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ёз мавсумини шу ерда ўтказади, — дейди муассаса раҳбари Норкул Тоғаев. — Ўғил-қизларимизнинг ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун шароитлар етарли. Фан ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Болажонлар 6 та гуруҳга бириктирилган. Тажрибали мураббийлар уларга парвона.

Оромгоҳда жисмоний тарбия тўгараги доимо гавжум. Футбол тўгарагида маҳоратли ёшлар кўп. Ёш футболчилар қўшни оромгоҳдаги тенгдошлари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказмоқдалар.

Юқори натижаларга эришаётган ёшлардан бири Алланазар Бекбўтаев. Бокс бўйича республика чемпионатида 3-ўринни қўлга киритган. У нуфузли беллашувларга пухта ҳозирлик кўриш лозимлигини чуқур англаган ҳолда оромгоҳ бокс тўгарагида тенгдошларига маҳорат дарслари ўтмоқда.

Тарбияланувчилар Зоминнинг хушманзара тоғларига саёҳат уюштиришади. Тасвирий санъат тўгараги аъзолари табиат қўйнида ижод қилишади. Тўгарак аъзоси Достон Бердиевнинг бир неча йўналиш — пейзаж, портрет, натюрморт жанрида расм чизишга қўли келиб қолган. Ёш рассом меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида тасвирий санъат йўналишида ўтказиладиган республика кўрик-танловларидан кўпинча ғолиб бўлиб қайтади.

Оромгоҳда кўчма кутубхона хизмати йўлга қўйилган. Кутубхона мудири Ёркиной Комилова бола қизиқиши ва ёшига мос китоб танлашга кўмаклашади. Ўқувчилар кўпроқ эртак, саргузашт ва детектив китобларни севиб ўқишади.

**А.СОДИҚОВ**




### МБАППЕ "ПСЖ"ГА ЎТМОҚДА

**Французларнинг «Монако» жамоаси ва «Пари Сен-Жермен» клуби иқтидорли ёш ҳужумчи Килиан Мбаппенинг пойтахт жамоасига ўтиши бўйича келишиб олгани ҳақида «Marca» нашрида хабар берилди.**

Манбада келтирилишича, "ПСЖ" раҳбарияти 18 ёшли футболчига 160 миллион евро беришга тайёр. Шунингдек, яна 20 миллион евро «Монако»га бонус тариқасида берилиши мумкин. Айни кез асосий иш ҳал бўлди, фақат парижликлар футболчи билан шартнома бандларини келишиб олиши ва ҳужжатларни расмийлаштириши қолди, холос.

Мбаппе «Монако» билан 2019 йилнинг ёзигача шартнома тузганди.

### ОЛТИНГА 5 СМ ЕТМАДИ

**Америкалик Кристиан Тейлор Лондон шаҳрида енгил атлетика бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатида уч ҳатлаб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритди.**



«Евроспорт» нашрида ёзилишича, унинг энг яхши уриниши 17,68 метрлик масофа бўлди.

Бу борада иккинчи ўрин соҳибига аталган кумуш медаль ҳам америкалик спортчига — икки карра олимпия ўйинлари совриндори Уилл Клэйга насиб қилди. У ҳамюртидан атиги 5 см камроқ сакраган. 3-ўринга эса португалиялик Нелсон Эвора (17,19) кўтарилди.

### АНДЕРКАРДДАГИ ЖАНГЛАР

**Халқаро бокс федерациясининг иккинчи ярим енгил вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлиб турган америкалик Жервонт Дэвис галдаги жангини Конор Макгрегор ва Флойд Мэйуэзер жанги ўтказиладиган куни андеркардда ўтказади.**

Андеркард деганда асосий мусобақага қадар ташкил этилувчи жанглар тушунилади. ТАССда ёзилишича, Ж.Дэвис пуэрторикалик Роман Мартинесни жангга чорлайди. Шунингдек, мазкур санада америкалик собиқ чемпион Шон Портер ва швед спортчиси Баду Жек ҳам рингга чиқади. Портернинг рақиби пуэрторикалик Томас Дулорм бўлади.

Ушбу жанглар ҳамда Макгрегор ва Мэйуэзер муштлашуви 26 августда Лас-Вегасда ўтказилади.

### НАДАЛЬ «ЁШ БОЛА»ГА ЕНГИЛДИ

**Испаниялик таниқли ракеткачи Рафаэль Надаль Канаданинг Монреаль шаҳрида давом этаётган халқаро турнирнинг учинчи доира баҳсида маҳаллий теннисчи Денис Шаповаловга ютқазиб қўйди.**



ТАССда келтирилишича, Профессионал теннисчилар ассоциацияси(АТР)нинг умумий ютуқ жамғармаси 5,3 миллион долларга тенг мусобақасида испаниялик спортчи турнирга "wild card" орқали келган 18 яшар ўсмирга 6:3, 4:6, 6:7 (4:7) ҳисобида енгилган. Матч 2 соату 49 дақиқага чўзилган. Шаповалов чорак финалда франциялик Адриан Маннарино билан куч синашади.

Турнир 14 августгача давом этади.

### БУГУН ҒОЛИБ АНИҚЛАНАДИ

**Шахмат бўйича Американинг Сент-Луис шаҳрида давом этаётган Синкфилд кубогининг 8-турида россиялик гроссмейстер Сергей Карякин америкалик Уэсли Сони енгди, деб хабар берди ТАСС.**

Ютуқ жамғармаси 300 минг долларга тенг мусобақада, шунингдек, В.Ананд (Ҳиндистон) — Максим Вашье-Лаграв (Франция), Левон Аронян (Арманистон) — Петр Свидлер (Россия), Ян Непомнящий (Россия) — Магнус Карлсен (Норвегия), Фабиано Каруана (АҚШ) — Хикару Накамура (АҚШ) ўзаро баҳслашиб, дуранга имзо чекди.

8-турдан кейин Вашье-Лаграв, Ананд, Аронян 5 очкодан йиғиб, етакчилик қилмоқда. Карякин, Карлсенда эса 4,5 очко мавжуд.

**Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.**

# Янги ўқув йили учун намунали мактаб





***Айни дамда ўқувчиларнинг сифатли билим олишини таъминлаш мақсадида таълим масканларида янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.***





Яшнобод тумани ХТМФМТТЭБ томонидан янги ўқув йилига ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриш бўйича намунавий мактаб белгиланиб, фаолияти тумандаги таълим муассасаларига таништирилмоқда. 198-умумтаълим мактаби бу борада таянч мактаб этиб белгиланди. Ушбу билим масканида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган семинар ташкил этилди.

Тадбирда тумандаги 29 та мактабнинг директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, фан ўқитувчилари ҳамда кутубхоначилар намунавий таълим муассасасидаги шарт-шароит ва илғор тажрибалар билан танишдилар. Мактаб жамоасининг муассаса ҳовлисини ободонлаштириш, бино йўлаклари, спорт зали ва синф хоналарини жиҳозлаш ҳамда ўқувчилар либоси, дарс жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни замон талаблари асосида тайёрлаш борасидаги илғор тажрибалари намойиш этилди. Шунингдек, 10-синфлар учун 12 та фан хонаси ҳамда ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилгани иштирокчилар диққатини тортди. Улар муассаса ҳудудини ободонлаштириш, мактаб фойеси, кутубхонаси, тиббиёт хонаси, тўгарак залларини замонавий талаблар асосида тартибли жиҳозлашга оид маълумотга эга бўлдилар.

Тадбирда тумандаги 153-, 198-, 69-мактабларни илғор мактаблар сифатида ҳар жиҳатдан намунавий тайёрлаш ҳамда Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежида 12 та мутахассислик бўйича умумлаштирилган ўқув ишлаб чиқариш мажмуалари фаолиятини юритиш ҳақида тавсиялар билдирилди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА**







**В.ГРАНКИН олган суратлар.**

Ma’rifat

*TA’SIS ETUVCHILAR:*

*O‘zbekiston Xalq ta’limi vazirligi, O‘zbekiston Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, O‘zbekiston Ta’lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.*

**Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi Husan NISHONOV**

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-815. Tiraji 34151. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog‘oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo‘limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

*«Ma’rifat»dan materiallarni ko‘chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.*

*Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflga qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir: Sanobar JUMANOVA.
Navbatchi: Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
O‘zA yakuni — 22.45 Topshirildi — 23.20 123 56